Февраль 2018

**Ўзбекистонда Big Data:** Келажак натижаларидан хабардор бўламиз 11-бет ▶




5 (1323)-son
2-fevral
2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

**ТАҲРИРИЯТГА ҚЎНҒИРОҚ**
Фарзандим АКТга ихтисослаштирилган мактабда ўқишини хоҳлайман **3-бет**

**ЕДИНЫЙ ИНТЕГРАТОР UZINFOCOM**
участник международного форума в Казахстане **6-бет**

**ИНФОГРАФИКА**
ТОП-11: Энг нотоза буюмлар **10-бет**

**ФОТОТЕХНИКА**
Hasselblad камераси 400 мегапикселли фото олади **12-бет**

**"БЕГОНА" ТАЖРИБА**
Қирқ ёшлилар омон бўлса, симли алоқа яшайверади **13-бет**

**ТАТУ ТАЛАБАЛАРИ**
ўзбек тилидаги компютер ўйинини яратишди
**16-бет**

Ўзбекистонлик мобил интернет фойдаланувчилари қайси телефонлардан фойдаланишади?

| Вендор | 2017 йил, декабр |
|---|---|
| Samsung | 41,91% |
| Бошқалар | 19,80% |
| Nokia | 16,44% |
| Apple | 10,28% |
| Xiaomi | 3,68% |
| LG | 3,22% |
| HTC | 2,51% |
| Huawei | 2,16% |

Intarget.uz

# ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ ИШГА ТУШДИ: ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси дастурий тизимининг янги талқини 1 феврал куни тест тартибида ишга туширилди. Сайт манзили ўзгармаган — pm.gov.uz. Бунда "pm" қисқартмаси — "Президентга мурожаат" тарзида талқин қилинади.

Мурожаат юбориш шакли ҳам ўзгармаган: мурожаатларни 0-800-210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиш, pm.gov.uz манзилидаги махсус мурожаат шаклини тўлдириш орқали ёхуд Халқ қабулхоналарига ташриф буюриб юбориш мумкин.

Ўтган даврда мурожаатлар билан ишлаш тизимида тўпланган катта тажриба ва ўтказилган чуқур таҳлиллар, фуқароларимизнинг бу борадаги фикрмулоҳазалари, талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда виртуал қабулхона дастурий тизимини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилди. Бинобарин, 2017 йил 11 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунида ҳам мурожаатчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилган эди.

Янги қабулхона жисмоний ва юридик шахсларга қандай янги қулайлик ва имкониятларни тақдим этмоқда?

2-бет ▶

"XABAR" МЕҲМОНИ

## Фарҳод Алишеров: БИЗ БИР ҚАДАМ ТАШЛАСАК, БОШҚАЛАР ЮГУРИБ КЕТЯПТИ

Йигирма тўрт ёшида фан доктори бўлган Фарҳод Алишеров билан суҳбатимиз унинг хорижда орттирган тажрибаси, мамлакатимизда таълим тизимини юксалтириш, айниқса, АКТ соҳаси мутахассисларини тайёрлашнинг долзарб жиҳатлари, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида кечди.



1988 йили Тошкент шаҳрида, ҳуқуқшунослар хонадонида таваллуд топган Фарҳод 2008 йили ТАТУнинг иқтисодиёт ва бошқарув факултетини муваффақиятли тамомлаб, ўқишни Корея Республикасининг Ҳаннам университетида давом эттирди. Икки йил магистратура ва сўнг докторантурада ўқиган ёш олим устози Пак Пён Жу раҳбарлигида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Маълум вақт ТАТУнинг "Мултимедиа технологиялари" кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Янги лаборатория ташкил этилишига ҳисса қўшди. 2015 йилда АҚШга йўл олди ва Луизиана штати университетида мултимедиа технологиялари йўналишида талабаларга дарс берди. 2017 йил ноябр ойидан яна юртимизга қайтиб, ТАТУнинг "Мултимедиа технологиялари" кафедрасида ишини давом эттирмоқда.

4-5-бетлар ▶

Реклама



## Жумадан жумагача

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 январ куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқотда Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни, келгусидаги турли даражадаги учрашув ва тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 28-30 январ кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 30 январ куни Қарши шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳайкали очилиш маросимида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова Ислом Каримов ҳайкалини очди. Буюк Юртбошимиз ҳайкали пойига гуллар қўйди, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

**Самарқанд шаҳрида 30 январ куни Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади ва Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Маросимдан сўнг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Регистон майдони яқинида ўрнатилган Ислом Каримов ҳайкали пойига гул қўйди. Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида ташкил этилган эҳсон ошида иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 31 январ куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси этиб тайинлангани муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати раиси Рустам Иноятов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Республика Бош прокурори лавозимида ишлаб келаётган Ихтиёр Абдуллаев Миллий хавфсизлик хизмати раиси этиб тайинланди.

**2018 йил 31 январ куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ Президентнинг Давлат маслаҳатчиси лавозимида ишлаб келаётган Отабек Муродов Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинланди.**

# ПРЕЗИДЕНТ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ ИШГА ТУШДИ: ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

◀1-бет.

### Онлайн тартибида ҳуқуқий маслаҳат олиш

Виртуал қабулхонанинг янги дастурий тизимида фуқароларга қулай шаклда турли муаммо ва масалалар бўйича малакали юридик ёрдам берилишини таъминловчи "Онлайн маслаҳатчи" модули яратилди. Бу модул "Кўп бериладиган саволлар" бўлими билан ҳамоҳанг ишлайди.

Турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан жалб этилган малакали мутахассис-маслаҳатчилар жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт тартибида маслаҳат бериб боришади. Бу хизмат шу йилнинг 15 февралидан тест тартибида ишга туширилиши кўзда тутилган.

Илгари фуқароларнинг бу масаладаги мурожаатлари кўриб бўлиниб то улар жавобини олгунларича анчагина вақт талаб қилинар эди.

"Онлайн маслаҳатчи" хизмати виртуал қабулхона орқали савол бериб шу заҳоти юридик маълумотга эга мутахассислардан тезкор ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини тақдим этмоқда. Яъни, у ёки бу масала бўйича ҳуқуқий ахборот олиш учун бир неча кун жавоб хати келишини кутиш зарурати қолмайди. Табиийки, порталда рўйхатга олинаётган, фақат ҳуқуқий маълумот олиш назарда тутилган мурожаатлар сони қисқаради ва шунинг ҳисобига давлат органларининг бошқа турдаги мурожаатлар билан ишлаш сифати ошади. "Онлайн маслаҳатчи" модули орқали кўп бериладиган саволлар мунтазам таҳлил қилиниб, шу асосда "Кўп бериладиган саволлар" бўлими тўлдириб борилади.

> ***Виртуал қабулхонада "Таъқиб ҳақида хабар" модули жорий қилиниши муҳим янгилик бўлди. Агар кимдаким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъқибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тугма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жалб этган ҳолда устувор ва тезкор равишда кўриб чиқилади***

### Раҳбарларга Президент виртуал қабулхонаси орқали мурожаат йўллаш

Янги талқинда "Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ва уларга мурожаат юбориш" модули жорий қилинди. Бу билан pm.gov.uz манзилида барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг фуқароларни қабул қилиш жадваллари ягона базада жойлаштирилди. Яъни, давлат органлари раҳбарларининг фуқаролар қабулига доир маълумотлар – қабул кунлари, вақти, тегишли телефон рақамлари, электрон почта манзиллари, давлат органининг манзили ҳақидаги маълумот бир жойда жамланди.

Баъзида жисмоний ва юридик шахслар ўзларини қизиқтирган масала учун қайси давлат органи масъул эканини билишмайди. Шу боис мазкур модулда алоҳида "Функция ва вазифалар" бўлими ташкил этилди. У орқали давлат органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ функция ва вазифалари тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

Фуқароларга портал базасида ўз мурожаатларини бевосита тегишли давлат органларига юбориш имкониятини тақдим этиш мақсадида давлат органлари раҳбарларининг шахсий виртуал қабулхонасига мурожаат йўллаш шакллари бир жойга жамланди. Бу мурожаатлар билан ишлаш жараёни доимий равишда назорат қилиб борилади.

### Халқ қабулхоналари билан портал орқали танишамиз

"Халқ қабулхоналари манзиллари" бўлимида барча Халқ қабулхоналарининг манзили, телефон рақамлари, электрон почтаси, геолокация маълумотлари ва бошқа фойдали материаллар қулай тартибда тақдим этилмоқда. Халқ қабулхонаси тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон интерактив харитаси орқали топса бўлади.

### Маҳаллангизни кўрсатинг ва муаммолар ечимига ҳисса қўшинг

Бундан буён фуқаро мурожаат юбориш жараёнида ўзи истиқомат қилаётган маҳаллани ҳам кўрсатиб ўтиши мумкин. Бу муаммога ечим топиш даражасини янада оширади. Шу йўл билан мурожаатда кўтарилган муаммо муайян ҳудуддаги қайси секторга тааллуқли эканини аниқланади. Ўз-ўзидан ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ҳудудида қандай муаммолар мавжуд эканини онлайн таҳлил қилиш, уларни комплекс ҳал этиш учун яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган аниқ чора-тадбирлар, "йўл харита"лари ишлаб чиқиш имкониятлари кенгаяди.

Виртуал қабулхонада "Таъқиб ҳақида хабар" модули жорий қилиниши муҳим янгилик бўлди. Агар кимда-ким ариза ёки шикоят билан мурожаат қилгани туфайли таъқибга учрайдиган бўлса, бу ҳақда махсус тугма орқали тезкор хабар бериши мумкин. Бундай хабарлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини жалб этган ҳолда устувор ва тезкор равишда кўриб чиқилади.

### Мурожаат ва масъулият

Энди порталда фуқаролар ўз мурожаатини юборишдан аввал мурожаат юбориш қоидалари билан танишгани ва бу борада қонунда белгиланган масъулияти тўғрисида хабардор эканини тасдиқловчи белги қўяди. Бу ҳам мурожаатчиларнинг масъулиятини оширади, ҳам мурожаат маданиятини юксалтиришга туртки беради.

Шу пайтга қадар мурожаат юбориш жараёнида бошқа шахсларга тегишли ёки умуман мавжуд бўлмаган телефон рақамини кўрсатиш, бошқа фуқаролар номидан мурожаат юбориш ҳолатлари ҳам учраб турарди. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш муайян вақт ва ресурсларни талаб қилишини, аниқ мақсадсиз мурожаат учун сарфланган вақтни бошқа асосли ариза ёки шикоят устида ишлашга йўналтирган ҳолда муаммони ҳал қилиш фуқаролар учун ҳам, жамиятимиз учун ҳам ҳар томонлама фойдали эканидан келиб чиқиб, янги тизимда мобил телефон рақамини тасдиқлаш механизми жорий этилди.

Бунда мурожаатчи махсус мурожаат шаклига ўз қўл телефони рақамини киритади. Шундан кейин мурожаатчининг телефонига бир марталик парол SMS-хабар шаклида юборилади. Натижада ҳам мурожаат аниқлиги ва ишончлилиги ортади, ҳам мобил телефон рақами тасдиқланади. Бу барча давлат органларининг виртуал қабулхоналари фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

Шу пайтгача фуқаролар ва тадбиркорлар ўз мурожаатлари кўриб чиқилишининг жорий ҳолатини исталган вақтда базага махсус рақамни киритиш йўли билан текшириб кўриш имкониятидан фойдаланиб келишарди. Янги талқиндаги тизимда мурожаатнинг қабул қилингани ва назоратдан ечилгани тўғрисида тасдиқланган мобил телефон рақамига SMS-хабарнома юборилиши йўлга қўйилмоқда.

### Янгиликлардан хабардор бўлиб боринг

Виртуал қабулхонанинг янги талқинида давлат органларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти, ижобий ҳал этилган масалалар, виртуал қабулхона ва Халқ қабулхоналари тўғрисидаги янгиликлар кўпаяди. Порталга келиб тушган ва кўриб чиқилган мурожаатларнинг умумий сонини, статистик маълумотларни реал вақт тартибида кузатиш имконияти мавжуд.

Қисқасини айтганда, виртуал қабулхонанинг янги талқини янада тезкор ва самарали интерактив хизматларни тақдим этади, фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органлари билан ҳамкорлик механизмларидан фойдаланиш имконияти кенгайиб, бундан-да қулайлашади.

# ФАРЗАНДИМ АКТга ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБДА ЎҚИШИНИ ХОҲЛАЙМАН

***Яқинда таҳририятимизга қўнғироқ бўлди. Ўзини Соҳиба БЕКМИРЗАЕВАман, деб таништирган аёл қуйидаги фикрларни билдирди:***

***Мен фарзандимнинг ҳам шу мактабда ўқишини, келгусида АКТ соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган мутахассис бўлишини жуда-жуда истайман***



*— Мен Фарғона вилояти, Бағдод шаҳарчаси, Тадбиркор кўчаси, 6-уйда яшайман. Уйимизга яқин жойдаги цехда ишлайман. Гарчи алоқачи бўлмасам-да, бир неча йилдан бери “Xabar” газетасига мунтазам обуна бўламан. Сабаби, газетада республикамиз ва хориж ҳаётидаги энг муҳим янгиликлар, корхона ва ташкилотларда ахборот технологияларининг жорий этилиши, шунингдек, маънавиятга оид мақолалар доимий эълон қилиб борилади. Мутолаа саҳифасида чоп этилаётган машҳур ёзувчиларнинг асарларини ҳар сафар қизиқиб ўқиб чиқаман. Турли бўлган-бўлмаган воқеалардан иборат олди-қочди ҳикоялардан кўра ўша асарлар инсонни тўғри йўлга бошлаши, ўз ҳаёти ҳақида фикр юритишга мажбур этиши билан муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳозир бирор соҳа йўқки, у ерга ахборот технологиялари кириб бормаган бўлса. Газетада кетма-кет чоп этилаётган пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳақидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқиб чиқяпман. Бу борадаги охирги хабарда мактабнинг 10-синфига ўқувчилар қабул қилингани баён этилган.*

*Мен фарзандимнинг ҳам шу мактабда ўқишини, келгусида АКТ соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган мутахассис бўлишини жуда-жуда истайман. Сизлардан илтимос, АКТга ихтисослаштирилган мактаб ҳақида тўлиқ маълумот берсангиз ва унда келаси йили синфларга қабул қай вақтда бошланади, вилоятдагиларнинг фарзандлари ҳам у ерда ўқий оладиларми, ётоқхона ҳам ташкил этиладими каби саволларимга жавоб берсангиз.*

**Соҳиба Бекмирзаева ҳамда Тошкент вилоятидан Заҳро Раҳматоваларнинг саволларига мазкур мактаб директори Амирулло Абдуллаев қуйидагича жавоб берди:**

— Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабимизда математика, физика, информатика ва инглиз тили фанлари чуқурлаштириб ўқитилади. 2017-2018 ўқув йили учун 5-синфларга қабул бўйича танлов эълон қилинганида, 189 нафар ўқувчи ҳужжат топширди. Танловдан сўнг математика ва инглиз тили фанларидан юқори натижага эришган 60 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Шунингдек,10-синфга ҳам қабул учун танлов эълон қилинди. Математика, физика ва инглиз тили фанларидан бўлиб ўтган имтиҳон натижаларига асосан 100 нафар талабгордан бўш ўринга 14 нафар ўқувчи қабул қилинди.

5 ва 10-синфларга қабул имтиҳонлари Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети биносида ўтказилди. Имтиҳон жараёнида иштирок этган ота-оналар барча жараённи бевосита видеокузатув орқали кузатиб боришди ва имтиҳон шаффоф тарзда, ҳеч қандай қонунбузарликларсиз ўтказилганлигига гувоҳ бўлишди.

Ихтисослаштирилган мактабимизда дарслар 5-10-синфларда олиб борилади. Бугунги кунда мактабимиз ташкил этилгунга қадар ўқиш олиб борилган Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги мактаб ўқувчилари билан қўшиб ҳисоблангандa жами синфлар сони 28та бўлиб, уларда 860 нафар ўқувчи таълим оляпти. Математика, информатика ва инглиз тили фанлари чуқурлаштирилиб, гуруҳларга бўлинган ҳолда ўқитилмоқда. Ўқувчиларга 60 нафар педагог таълим ва тарбия бераётир. Мактабимиз моддий-техник базаси бойитиб боріляпти. Информатика синф хоналари охирги русумдаги компютерлар билан жиҳозланди. Ихтисослаштирилган мактабимизнинг 5-синфига қабул учун ҳужжатлар Низомга мувофиқ ҳар йили 1 — 20 июл кунлари қабул қилинади. Танловни сифатли ва рақобат асосида ўтказиш мақсадида биз ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида бир ой олдин танлов ҳақида оммавий ахборот воситалари (республика, вилоят ва туман (шаҳар) газеталари)да эълон берамиз.

Танловнинг ёзма ва оғзаки синов саволлари Тошкент ахборот технологиялари университети ва Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети мутахассислари жалб этилган ҳолда шакллантирилади. Ихтисослаштирилган мактабга кириш имтиҳонлари август ойида ўтказилиши белгиланган. 6-9-синфларда ўз хоҳишига ва бошқа сабабларга мувофиқ кетган ўқувчилар ўринларига қўшимча танлов эълон қилинади. Бунда танлов ўқувчининг битирган синф ҳажмидаги ўқув фанларидан мактабимиз талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади. Синовлар ёзма ва оғзаки шаклда, саволлари умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ўзбек тилида ўтказилади.

Вилоятлардан келиб ўқиш масаласига келсак, бугунги кунда ўқувчиларимиз орасида бундай болалар ҳам бор. Улар ҳали мактабнинг ётоқхонаси бўлмаганлиги туфайли қариндошларининг васийлиги асосида ўқишга қабул қилинган. Ётоқхона ташкил этиш масаласи эса режамизда асосий масала сифатида турибди.

ТАНЛОВ

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН 15 ЛОЙИҲА ТОШКЕНТГА ЮБОРИЛАДИ

"Ўзбекистон аёлларининг 100 энг яхши инновацион лойиҳаси" биринчи республика танловининг Қорақалпоғистон Республика босқичида сараланган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Маданият саройида бўлиб ўтган тақдимотда энг яхши 30та лойиҳа эгалари сертификат ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланиб, шулардан 15 нафари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган финал босқичи учун саралаб олинди.

Танловда бизнинг талабаларимиз ҳам ўзларини кўрсатишди. Дилрабо Бозорбоева, Дилфуза Сейтмамбетова, Соҳиба Йўлдошевалар "Энг яхши ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси", Нозима Калбаева эса "Ёш тадбиркор аёлнинг кичик бизнес учун энг истиқболли инновацион лойиҳаси" йўналишида фаол қатнашиб, сертификат ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Филиалимиз фахрига айланган иқтидорли талаба қизларимизни улкан ютуқлари билан муборакбод этамиз.

**Саламат АВЕЗОВ,**
**ТАТУ Нукус филиали лаборанти**

МАЪРИФАТ ДАРСИ

## ДАСТУРИЛАМАЛ

Давлат фелдъегерлик хизматида бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарси 2018 йил 22 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Президент фармони мазмун-моҳиятига бағишланди.

Фармон билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Бу тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига ортиқча вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини эмин-эркин амалга оширишлари учун яна бир имконият яратилганидан далолатдир.

Мухтасар айтганда, давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Н.ҲАКИМОВ,**
**ДФХ бўлим бошлиғи**
**подполковник**


UZDIGITAL TV 1 февралдан TeleCard нархини 400 минг сўмдан 300 минг сўмга арзонлаштирди.



# Фарҳод АЛИШЕРОВ:

# БИЗ БИР ҚАДАМ ТАШЛАСАК, БОШҚАЛАР ЮГУРИБ КЕТЯПТИ

◀ 1-бет.

## ТАТУнинг дунё олий таълим муассасалари ТОП-1000лигига кириши ҳақида

— Тошкент ахборот технологиялари университети QS тизими бўйича дунё олий таълим муассасалари рейтингида ТОП-1000га киришни мақсад қилган, — дейди суҳбатдошимиз. — Ушбу рейтинг обрўли ва юқори талаблар асосида саралайдиган тизим ҳисобланади. QS рейтингида дунё олий таълим муассасаларини баҳолаш асосий олти мезон бўйича амалга оширилади.

Биринчиси — академик обрў. Бунда университет профессор ва ўқитувчиларининг илмий изланишлари кумулятив усулда, сўнгги уч йилдаги маълумотлар асосида баҳоланади.

Иккинчиси — ўқитувчилар таркибининг талабалар сонига нисбати. Бунда тўлиқ ўқув давридаги талабалар сони тўлиқ бандликдаги, сиртқи ва ёлланма ўқитувчилар сонига 1га 3 нисбатида бўлиши лозим.

Учинчиси — иш берувчилар ўртасидаги обрў.

Тўртинчиси — иқтибос индекси. Бунда университет ўқитувчи ва тадқиқотчиларининг эълон қилинган илмий тадқиқотларидан қай даражада кўп иқтибос олишлари ҳисобланади. Илмий мақолалар "Scopus" маълумотлар базаси журналларида чоп этилиши лозим.

Бешинчиси — хорижлик талабалар улуши. Университетда қанчалик кўп хорижлик талаба таҳсил олса, бу ўқув юртининг халқаро доирада шунчалик талабгирлигини билдиради.

Олтинчиси — хорижлик ўқитувчилар улуши.

ТАТУ Ўзбекистондаги ОТМлар рейтингида биринчи поғонада туради, лекин энди жаҳондаги ўрнимизни ҳам яхшилашимиз лозим. Ҳозирда университетнинг ТОП-1000га кириши бўйича масъуллар белгиланган. Ҳатто ҳар бир йўналиш бўйича ҳам масъуллар ишлашяпти.

## "Scopus"да мақола чоп этиш шартлари

Очиғини айтсам, ТОП-1000га кириш ғояси зўр. Мен ҳам буни жуда истайман. Бироқ, айрим йўналишлар борки, уларни бажариш учун вақт ва ўзгаришлар талаб қилинади.

Хусусан, илмий мақолаларни "Scopus" маълумотлар базасидаги журналларда чоп этиш учун жуда кўп меҳнат қилиниши керак. Шахсан ўзим университет филиалларида бўлиб, илмий мақолаларни қандай ёзиш кераклиги ҳақида семинарлар ўтказдим. Илмий мақолалар инглиз тилида битилиши лозим.

Бунда яна бир муҳим жиҳат бор: "Scopus"да мақолаларни бепулга чиқариш ҳам мумкин, лекин бунинг учун анча вақт кутишга тўғри келади. Пулли чоп этиш нархи турли сервисларда 200 АҚШ долларидан 5000гача баҳоланган. Хориж университетлари ўқитувчи ва тадқиқотчиларига бу суммани тўлаш оғирлик қилмас, аммо бизда университет профессор-ўқитувчиларининг ойлиги ўртача 200 доллар атрофида бўлса, у қандай қилиб пул тўлаб мақола чоп эттира олади? Бу масала ҳам жиддий тўсиқ. Шу ўринда, пул тўланса исталган мақола чоп этилиши мумкин экан-да, деган янглиш хаёлга ҳам бормаслик керак. "Scopus" ёки "Web of Science" базаси журналлари ҳар бир илмий мақолани чиғириқдан ўтказиб, сўнг чоп этади.

## Дипломдан кўра билим биринчи ўринда туради

Иккинчи долзарб масала — меъёрий-ҳуқуқий базанинг мослашувчан эмаслиги. Бизда худди хориждаги каби университетнинг ўзи мустақил равишда талабалар квотаси ва ўқитувчилар сонини эркин белгилай олмайди. Ўз-ўзидан юқоридаги тилга олинган — QS тизими иккинчи бандини бажариш муаммоли ҳолатга айланади.

Бизда талабалар сони ўқитувчилар миқдорига нисбатан ошиб кетишининг яна бир сабаби бор, деб ўйлайман. Ривожланган мамлакатларда ҳамманинг ҳам университетда ўқиб, мутахассис бўлишига ҳожат йўқ. Коллежни битириб ҳам малакали кадрга айланишади ва бемалол яхши ишларда ишлайверишади. Бизда эса мутахассис бўлиш учун, албатта, бакалавр бўлиш керак, деган тушунча сингиб кетган. Уларда ҳам дипломга қаралиши мумкин, аммо билим ва малака барибир биринчи ўринга қўйилади.

> ҲОЗИРДАНОҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИМИЗ ЖАҲОН ДАРАЖАСИДА РАҚОБАТЛАША ОЛАДИГАН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШИ ЛОЗИМ.

## Танқидий, таҳлилий фикрлашнинг аҳамияти тўғрисида

Ҳозир дунёда ахборот технологиялари соҳаси жуда тез ўзгаряпти. Агар, дейлик, беш йил аввал бир компанияда бир қанча бўлимлар фаолият олиб борган ва ҳар бири ўз йўналиши масалаларини ечган бўлса, бугун ҳам ўша бўлимлар бор, бироқ улар бутунлай бошқа стратегия остида ишлашмоқда. Энди улар фақат ўз йўналишларида эмас, битта умумий масала ечими устида бош қотиришяпти.

Ҳозир танқидий, таҳлилий фикрлашнинг аҳамияти жуда катта. Айниқса, АКТ соҳасида. Чунки бозорнинг талаблари ва тартиблари ўзгариб боряпти. Компаниялар айрим буюртмаларни ўз ходимларига бажартиришдан кўра, аутсорсинг компанияларига топширишни маъқул кўрмоқда. Бу уларга арзонроқ тушиши мумкин. Биласизми, ҳозир булутли компаниялар жуда кўпайиб кетди. Бу нима дегани? Бу — масофалар бутунлай йўққа чиқди, дегани. Энди Америкадаги бирор йирик компания буюртмасини бажариш учун ўша юртда бўлиш шарт эмас, буни Ўзбекистонда туриб ҳам бажарса бўлади.

Жараёнлар шунчалик тез ўзгаряпти. Бизда ҳали булутли компаниялар йўқдир, лекин мутахассисларимизда шу компанияларда ишлаш имкони бор.

Президентимиз АКТ вазирлиги вакиллари билан учрашувида соҳани ривожлантиришнинг бир қатор вазифаларини белгилаб берди. Жумладан, интернет тезлигини бир неча баравар ошириш ва бошқа масалаларда топшириқлар берилди. Бу янада кенг имкониятларни очади. Мисол учун, 3D моделлаштириш ёки бошқа йирик лойиҳаларда масофадан туриб ишлаш интернет тезлиги сабаб қийинчиликларни юзага келтирган бўлса, энди бу каби муаммолар ҳам бартараф топади.

## Яхши кадрга дунё миқёсида талаб бўлади

Бундай улкан талаблар ва ўзгаришлар жараёнига кадрларимиз ҳам тайёр бўлишлари лозим. Агар аввал асосан ички эҳтиёж учун мутахассислар тайёрланган бўлса, энди бутун дунё даражасида кадрларга эҳтиёж юзага келган. Тасаввур қилинг, мингта ёки ўн мингта мутахассисимиз масофадан туриб хориж компанияларида ишласа, юртимизга қанча валюта оқими кириб келган бўларди?!

Қолаверса, маҳаллий компанияларимиз ҳам шу талабларга мос равишда ўзларига мутахассислар қидира бошлашди. Яъни, ўзимизнинг компаниялар ҳам аниқ бир долзарб масалалар ечими устида ишлашяпти. Бу хоҳ ички, хоҳ ташқи буюртма бўлсин.

Демак, ҳозирданоқ университетларимиз жаҳон даражасида рақобатлаша оладиган кадрларни тайёрлаши лозим.



## Биз бугун талабаларга нималарни ўргатишимиз керак?

Биринчи навбатда, уларга савол беришни ўргатишимиз лозим. Ахборот асрида замон шунчалик юқори суръатда ўзгаряптики, бундай катта оқимни тезда илғаб олиш, қайта ишлаш қобилияти ҳаммада ҳам тенг эмас.

Айримлар ахборотни секинроқ ишлайди. Бу унинг сусткашлигини билдирмайди, албатта. Бизнинг вазифамиз талабаларни ахборотни тезроқ қайта ишлашга, масалаларни қисмларга ажратиб ечишга ўргатиш. Мисол учун, ТАТУни ТОП-1000ликка киритиш масаласини олайлик. Умумий қараганда, бу глобал муаммо бўлиб кўринади. Лекин уни қисмларга ажратиб, ўша қисмлардаги энг долзарб муаммоларни ҳал қилсак ва яна умумлаштирсак, масала анча тез ва осон ҳал бўлади. Енгил кўринганидан ўзимизга ўзимиз савол бера бошлаймиз: Нега ТОП-1000, ТОП-500 эмас?

Айнан шундай ёндашув АКТ соҳасида талабаларни тайёрлашда қўлланилиши керак. Биласизми, ҳозирда 200дан ортиқ дастурлаш тиллари бор. Уларнинг ҳар бири ишлатиляпти. Биз талабаларимизга шу 200та дастурлаш тилини ўргатишимиз керакми? Ёки 10та энг оммабопиними? Тор доирада кучли мутахассис муҳимроқми ёки ўртача универсал? Бир йўналишда кучли билимга эга мутахассис тайёрланса-ю эртага бошқа дастурлаш тилларига талаб ошиб кетса-чи? Кўряпсизми, АКТда таълим соҳаси шундай қийин саволларни олдимизга қўймоқда.

Шунинг учун, аввало, талабаларга дастурлашнинг асосий тамойилларини ўргатишимиз зарур. Қандай дастурлаш керак, қандай тўғри дастурлаш керак, дастурларни қандай тўғри ёзиш керак, шу каби фундаментал билимларга эга бўлишлари лозим улар.

## Муаммоларга ечим топиш – АКТ оламининг асосий мезони

Бугунги мутахассис дастурни шундай ёзиши кераки, уни қўллаш енгил бўлсин. Бошқа дастурларга осон интеграциялаша олсин. Агар биз глобал муаммоларни кичик бўлакларга бўлиб ечсак, кейин уни бирлаштириш ҳам керак бўлади. Шу модулни талаба бугундан ўзлаштириши талаб қилинади. Муаммоларга ечим топиш – АКТ оламининг асосий мезони. АКТ-мутахассислар олдидаги асосий вазифа шу. Жаҳон стартапларига қаранг, қайси соҳадаги қандай долзарб муаммо бўлмасин, бугун унга технологиялар орқали ечим топилмоқда.

## Бу йўлдаги тўсиқлар

Талабаларга бирор масалани ечиши учун унга дарҳол дастур ёзишни эмас, аввал алгоритмини тузиш, сўнг уни дастурга кўчиришни ўргатишимиз зарур. Бироқ, бунга ўқитувчилар доим ҳам улгура олишмаяпти. АКТ оламидаги жадаллик нафақат талабалардан, ўқитувчидан ҳам ўзини қайта тарбиялашни талаб этмоқда.

Бу жараёнларга яраша шу суръатда корхоналар, компаниялар иши, меъёрий ҳужжатлар ва қонунчилигимиз ҳам ўзгариб бориши керак. Ҳозир шундай жараёнки, таълим тизимига ҳар йили янги йўналишлар кириб келиши керак. Мисол учун, иқтисодиёт ва компютер инжиниринги йўналишини олайлик, ҳар бирида алоҳида-алоҳида ўқитиляпти. Албатта, ТАТУда иқтисод йўналиши ҳам АКТга ихтисослашган ҳолда ўргатилади. Лекин бу икки йўналишни бирлаштирсак, у "Data science", яъни "маълумотлар билими"га айланади. Америка ва умуман ривожланган мамлакатларда бу энг талабгир касб йўналиши ҳисобланади. Албатта, биз ҳам бу йўналишни очишни режалаштирганмиз, лекин бошқа мамлакатларда буни аллақачон амалга ошириб бўлишган.

Бизнинг ортда қолишимизга асосан ўқув жараёнларига янги йўналишларни киритишдаги қийинчиликлар сабаб бўляпти. Қонунчилигимиз бўйича бу жараённи амалга ошириш анча узоқ вақт талаб қилади.

## Қайсидир бўғинларда оқсаш юзага келади ва бутун жараённи ортга тортиб кетади

Кўпчилик таълим ва кадрлар сифатига ўқитувчи масъул деб ҳисоблайди. Бу бир жиҳатдан тўғри. Ҳозир ўқитувчилик касби энг мослашувчанлик талаб этиладиган касб ҳисобланади. Қайси маънода? XXI аср ахборот асри бўлиш билан бирга, нотўғри маълумотлар асри ҳамдир. Демак, биз талабаларга нафақат билим беришимиз, ахборотни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш ва бунга йўналтиришимиз керак. Танқидий баҳолаш, таҳлил қилиш ҳамда маълумотларни керакли ва кераксизига ажрата олиши унинг келажагини белгилаб беради. Бунга нафақат ўқитувчи, талабалар ҳам, жамият ҳам, раҳбарлар ҳам тайёр бўлиши керак. Замон билан "ягона мажмуа" сифатида ҳаракатланилмаса, қайсидир бўғинларда оқсаш юзага келади ва бутун жараённи ортга тортиб кетади.

> **"ТАТУни ТОП-1000ликка киритиш масаласи глобал муаммо бўлиб кўринади. Лекин уни қисмларга ажратиб, ўша қисмлардаги энг долзарб муаммоларни ҳал қилсак ва яна умумлаштирсак, масала анча тез ва осон ҳал бўлади. Енгил кўринганидан ўзимизга ўзимиз савол бера бошлаймиз: Нега ТОП-1000, ТОП-500 эмас?"**




## Мустақил таълим ҳақида

Талаба агар мустақил ишлашни ўрганмаса, бу соҳани чуқур эгаллай олмайди. Китоблар, дарсликлар бир восита, холос. Унда "мих бор ва уни болға билан уриш керак" дейилади, холос. Китоб фаннинг асосини ўргатади. Лекин бу жараённи қандай амалга оширишни тўлиқ тушунтирмайди. Айниқса, ахборот технологиялари соҳасида масала ечимининг турлича йўллари бор. Буни фақат китоб ёки ўқитувчидан ўрганиб бўлмайди. Ечимларни қидириш устида мустақил изланиш талаб этилади.

## ТАТУда кредит таълим тизими жорий этиладими?

АҚШ ва Европа мамлакатларининг олий ўқув юртларида кенг тарқалган кредит таълим тизими ўзининг мослашувчанлиги ва самарадорлигини кўрсатяпти. Мазкур тизим битирувчиларнинг академик ҳаракатчанлигини таъминлаб, бугунги ўзгарувчан меҳнат бозорида уларга бўлган талабни оширмоқда. Бунда меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда таълим дастурларининг мослашувчан тузилиши, таълимга ахборот тизимларининг жорий қилиниши ва талабаларнинг мустақил ишлашга ўргатилишининг ўрни катта.

Яна бир муҳим жиҳат бор: академик таълим тизимида кредит тизимидаги каби ўқув жараёнларини мобиллаштиришнинг имкони йўқ. Мисол учун, ҳозир университетга кирган талаба фақат бир йўналишда ўқий олади. Кредит тизимида эса талаба ўзида куч ва иштиёқ топа олса, бошқа йўналиш маърузаларида ҳам қатнашади ва керакли кредит балларини тўпласа, бир йўла иккита мутахассисликни эгаллайди.

Кредит тизимида факултетлараро дарслар ўртасида ҳам мобиллик юзага келади. Масалан, қайсидир ўқитувчи фойдали маъруза қилади. Унда нафақат битта курс, балки бошқа факултетлар талабалари ҳам қатнашиш имконига эга бўлади. Бизда "виртуал реаллик" фани бўйича хориж тажрибасига эга кучли мутахассис жалб этилган. Бироқ академик таълимда унинг фойдали дарсларига фақат бир йўналиш талабалари қатнаша оладилар, холос. Бошқаларда бунга имкон бўлмайди.

Қисқача қилиб айтганда, кредит тизимида талабаларнинг мустақил ишлашига ва амалий таълимга катта эътибор қаратилади. Чунки унда электрон топшириқлар кўпроқ берилади.

ТАТУ ҳам келгуси ўқув йилидан кредит таълим тизимига ўтиш ишларини бошлаб юборган. Бу йўлда университет раҳбарияти тинимсиз иш олиб боряпти.

## Бугун жуда кўп нарсалар ўзгарди

Аввалги қарашлар бугунга тўғри келмайди. Амалдаги ўқув услублари эртага эскиради. Уни яна ўзгартириш учун узоқ вақт ва кўплаб ҳужжатбозликлардан ўтиш лозим. Ачинарлиси, биз бир қадам ташласак, бошқалар югуриб кетяпти. Биз ҳозир ўйлаганимиз қаердадир аллақачон амалга ошиб турибди.

Шу сабаб қонунчилигимиз ҳам мослашувчан бўлиши керакки, бошқалар югурганида биз секин қадам ташлашга мажбур бўлмайлик, бюрократия йўлимизни тўсмасин, биз ҳам улар каби тезликда югура олайлик, улар учса, биз ҳам учайлик. Шунда жаҳонда ўз ўрнимиз ўз номимиз мустаҳкам бўлади.

Ўзим бир неча йил хорижда ўқиганман, лекин эртага фарзандларим Ўзбекистонда таҳсил олишини, сифатли таълим олишини истайман.

**Лутфилло ТУРСУНОВ**
**суҳбатлашди**



xabar.uz Энди "Ўзбекистон почтаси" АЖ орқали 50 кг. гача бўлган курерлик жўнатмаларини юбориш мумкин.

# ЕДИНЫЙ ИНТЕГРАТОР UZINFOCOM — участник международного форума в Казахстане

*„Стороны планируют сотрудничать в области обмена опытом и повышения квалификации персонала, обмена информацией о инновационных проектах и научных разработках„*

2 февраля в Алма-Ате пройдёт форум «Цифровая повестка дня в эпоху глобализации» с участием стран ЕАЭС и Узбекистана.

Целью форума является продвижение глобальной цифровизации и укрепление партнёрства в этой сфере среди стран-участниц. Основной темой дискуссий станет интеграция информационных систем государств союза.

В числе представителей Узбекистана на форуме также активное участие примет руководитель Единого интегратора UZINFOCOM Улугбек Тагалиев, основная цель которого – формирование партнерских отношений с компаниями Казахстана. Ключевым мероприятием, запланированных в ходе поездки – подписание Меморандума о сотрудничестве с Национальным инфокоммуникационным холдингом «Зерде», который является единым сервисным интегратором Казахстана.

В рамках данного Меморандума стороны планируют сотрудничать в области обмена опытом и повышения квалификации персонала, обмена информацией о инновационных проектах и научных разработках. Важным аспектом двустороннего сотрудничества является содействие совместным разработкам программных продуктов, а также развитию различных видов и форм услуг в сфере информационных технологий в обеих странах.

Несомненно, двустороннее сотрудничество и совместные проекты, реализуемые холдингом «Зерде» и Единым интегратором UZINFOCOM, будут играть важную роль в развитии отрасли и межрегионального сотрудничества.

ОБРАЗОВАНИЕ

## В IUT СОСТОЯЛСЯ СЕМИНАР «MICROSOFT В ОБРАЗОВАНИИ»

В Университете ИНХА в г. Ташкенте (IUT) 30 января 2018 года состоялся семинар «Microsoft в образовании».

Семинар был организован корпорацией Microsoft, Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций, Министерством высшего и среднего специального образования, Министерством народного образования, Университетом ИНХА в г. Ташкенте, Ташкентским университетом информационных технологий им. Мухаммада ал-Хоразмий и ООО «UZINFOCOM».

В мероприятии приняли участие представители министерств и ведомств, а также высших учебных заведений Узбекистана.

Руководитель работы с сектором образования Microsoft СНГ Нурлан Жаныбек в ходе семинара рассказал о проектах американской корпорации по внедрению информационных технологий в систему образования, что позволяет повысить качество образования.

Руководитель работы с сектором образования Microsoft в Центральной и Восточной Европе Теодора Варбанова остановилась в вопросах развития IT-образования в мире и в Узбекистане. В частности, она рассказала об различных инициативах и проектах Microsoft в области IT-образования, включая привлечения девушек в данную сферу.

Участники мероприятия получили информацию о применении инновационных решений в организации учебного процесса и исследований в школах и вузах. Было отмечено, что с помощью программ Microsoft учебные заведения могут сотрудничать и совместно улучшать учебную программу.

Также американская корпорация предлагает решения для организации обучения для людей с инвалидностью и обучения детей иностранному языку, а также по другим предметам.

ОЖИДАЕМЫЕ СОБЫТИЯ

## В НАЧАЛЕ АПРЕЛЯ В ТУИТ ПРОЙДЁТ МЕЖДУНАРОДНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ, ПОСВЯЩЁННАЯ 1235-ЛЕТИЮ МУХАММАДА АЛ-ХОРАЗМИЙ

Организаторы приглашают принять участие в работе Международной конференции по значимости информационно-коммуникационных технологий в инновационном развитии реальных отраслей экономики, которая состоится 5-6 апреля в Ташкенте, на базе Ташкентского университета информационных технологий.



Международная конференция, посвящённая 1235-летию Мухаммада ал-Хоразмий, организуется Ташкентским университетом информационных технологий, совместно с Министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан.

На пленарных и секционных заседаниях конференции предлагается рассмотреть и обсудить вопросы состояния и перспектив развития реальных отраслей экономики и роль информационно-коммуникационных технологий в развитии всех сфер отрасли.

Конференция будет рассматривать результаты оригинальных исследований и инновационных разработок по следующим направлениям: технологии электронной коммерции; применение информационных технологий в вопросах внедрения и развития системы «Электронное правительство»; инновационное развитие направлений «Информационная библиотека и архивы», создание направленных программных и программно-аппаратных продуктов и использование в реальных экономических отраслях; проблема информационной защиты, информационная безопасность, проектирование умного и безопасного дома, а также применения информационных технологий в современной педагогике.

Наряду с этим, в рамках конференции будут обсуждаться перспективы развития телекоммуникационных систем и отраслей, цифрового телевидения, радио, технологии беспроводной связи, радиотехники. Конференция направлена на рассмотрение и обсуждение аналитических материалов и научных работ, которые обеспечивают теоретическую основу для информационных технологий.

Языки конференции: узбекский, русский и английский.

Дата приёма статей: до 28 февраля 2018 года.

Научные статьи принимаются в электронном варианте. Подробности на сайте www.mkh.tuit.uz

НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

# ВИРТУАЛЬНАЯ ПРАКТИКА – как сетевой образовательный ресурс




2018 год в нашей стране объявлен Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий. В связи с этим сотрудники Научно-технического общества радиотехники, электроники и связи республики Узбекистан подготовили книгу под названием "Виртуальная практика — как сетевой образовательный ресурс" (авторы — М.Мухитдинов, А.Кадыров, А.Ахмедиева, Ф.Базаров, Г.Нормуродов, М Пулатов).

— Дальнейшее развитие системы образования в республике требует внедрение новых интерактивных методов обучения (с использованием отдельных компонентов дистанционно-образовательных технологий) на базе использования информационных технологий. При этом особую актуальность приобретает данная проблема для организации виртуальной преддипломной практики с целью формирования у студентов профессиональных компетенций с учетом специфики организации производственной практики на базовых предприятиях сферы ИКТ, — говорит один из авторов этой книги профессор М.Мухитдинов.

В соответствии с Государственным образовательным стандартом, преддипломная практика является обязательной составной частью учебного процесса. Она предназначена для закрепления знаний, полученных студентами в ходе обучения, и приобретения практических профессиональных навыков. Как было отмечено в Постановлении Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева "О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики в повышении качества подготовки специалистов с высшим образованием" (от 27 июля 2017 года), необходимо "...принять конкретные меры по системному проведению квалификационной практики студентов соответствующих направлений образования высших образовательных учреждений, начиная со 2-го курса, в определенных организациях и на предприятиях отрасли (сферы), а также организации практических занятий непосредственно на производстве и трудоустройству выпускников".

# ЭЛЧИЛАРИМИЗ MUIC РЕЗИДЕНТЛАРИГА ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШДА КЎМАКЛАШАДИ



*Чет элларда яшаётган ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган ватандошларимиз билан алоқаларни йўлга қўйиш MUIC ва элчихоналар ҳамкорлигида алоҳида ўрин тутади.*

"Mirzo Ulugbek Innovation Center"да марказ дирекцияси ва Ўзбекистон дипломатик доиралари вакиллари иштирокида ишчи учрашув ўтказилди. Унда Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимиз элчихоналарининг хориждаги фаолиятига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилган вазифалар муҳокама қилинди.

Марказий Осиёдаги мутлақо янги сиёсий муҳит ўтган йилги энг катта ютуқлардан бири бўлди. Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар ва хорижий ҳамкорларга очиқ ва асосли мулоқот таклифи билан чиқиши муносиб акс-садо берди — бу ҳамкорлик натижасида узоқ йиллар давомида ечимини топмай келаётган оғриқли масалаларга чора топилди. Россия ва МДҲнинг бошқа аъзолари, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Туркия, Европа ва Осиёнинг қатор мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли равишда мустаҳкамланди. БМТ, ЕХҲТ, ШҲТ, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан ҳамкорлик янги сифат босқичига кўтарилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятда ана шу ижобий суръатни сақлаб қолиш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг чет эллардаги дипломатик ваколатхоналари фаолиятида янги саҳифалар очишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Булар ҳақида Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарҳод Арзиев, Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси муваққат ишлар вакили Рустам Қаюмов, Ўзбекистоннинг БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар бўйича Женевадаги доимий вакили Улуғбек Лапасов, Ўзбекистоннинг ЕХҲТ ва бошқа ташкилотлар бўйича Венадаги доимий вакили Шерзод Асадов ҳамда "Mirzo Ulugbek Innovation Center" директори Фарҳод Ибрагимовлар сўз юритишди.

Мамлакатимиз ахборот технологиялари корхоналари маҳсулотларининг экспорт ҳажмини ошириш, инфратузилмани замонавийлаштириш учун чет эл сармояси ва илғор технологияларини жалб этиш Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилининг асосий вазифалари қаторида таъкидлаб ўтилди. Бу масалаларнинг ечими борасида аниқ қадамлар ҳам белгилаб олинди — Ўзбекистоннинг иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятидан жаҳон ҳамжамиятининг хабардорлик даражасини юксалтириш, мамлакатимиз компанияларининг халқаро IT-кўргазма ва анжуманлардаги иштирокини кўпайтириш, АКТ соҳаси вакиллари ва сармоядорлар учун виза тизимини соддалаштириш ва бошқа масалалар.

Чет элларда яшаётган ва ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган ватандошларимиз билан алоқаларни йўлга қўйиш MUIC ва элчихоналар ҳамкорлигида алоҳида ўрин тутади.

# Бахтиёр РЎЗИМАТОВ: БИЗ УЛАРДАН ЯХШИРОҚ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЯРАТА ОЛАМИЗ

*Бутун дунё Ҳиндистонни АКТ-саноатининг етакчи мамлакати деб эътироф этса-да, биз улардан яхшироқ технологиялар ярата оламиз. Бизга фақат халқаро тажриба етишмайди, холос.*






Кўргазмадан лавҳалар.

"Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази резидентлари делегацияси INDIASOFT 2018 дастурчилар кўргазмасида қатнашиши ҳақида аввал хабар қилинган эди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг веб-сайт ва мобил иловалар, CRM-тизимлар ишлаб чиқарувчи UzCard, Unicon Soft, Online Service Group, Webline, Suvan Net, SSP-Maroqand, Technologies of Business Processes Navoi, Avars Plus, Green White Solutions ва бошқа АКТ-компаниялари вакилларидан иборат 15 кишилик делегация иштирок этди.

INDIASOFT — Ҳиндистон IT-ишлаб чиқарувчилари ва бутун дунёда катта муваффақият қозонган халқаро харидорлар учун ягона IT-технологиялар кўргазмаси ҳисобланади. Иштирокчи компанияларнинг қизиқишлари IT-саноатнинг дастурий таъминот, булутли технологиялар, бизнес-сервислар, электрон хавфсизлик каби асосий сегментларига қаратилади.

UzNews.uz нашрининг маълум қилишича, кўпгина Европа ва Америка компаниялари Ҳиндистонни асосий аутсорсинг хизматлари етказиб берувчи мамлакат деб ҳисоблашади. Тасаввур қилинг-а: фақат Ҳиндистон дунёдаги аутсорсинг бизнес-жараёнларининг 65 фоизини бажаради. Бу факт Ҳиндистонда кўплаб иқтидорли ва малакали кадрлар ресурслари мавжудлигига шубҳа қолдирмайди.

Анъанавий кўргазма бу йил Осиёнинг йирик илмий ва саноат маркази сифатида жадал ривожланиб бораётган шаҳарларидан бири — Бангалорда 24-25 январ кунлари бўлиб ўтди. Кўплаб АКТ-компаниялар жойлашгани туфайли Бангалорни "Ҳинд кремний водийси" деб ҳам номлашади.

Ўн олтинчи бор ташкил этилган INDIASOFT 2018 кўргазмасида 150дан ортиқ маҳаллий компания ҳамда жаҳоннинг 75 мамлакатидан 400дан ортиқ меҳмонлар иштирок этди.

Икки кун давомида Ўзбекистон вакиллари Ҳиндистоннинг дастурий таъминот ишлаб чиқувчилари, шунингдек, бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари билан танишдилар.

— Энг муҳими, бу ташриф орқали кўргазмадаги сўнгги технологиялар ва Ҳиндистон компанияларининг имкониятларини кўриб, биз бундан ҳам яхшироқ бўла олишимизни ва халқаро даражада рақобатлашишимиз мумкинлигини тушуниб етдик, — дейди "Technologies of Business Processes Navoi" МЧЖ асосчиси ва раҳбари Бахтиёр Рўзиматов. — Бутун дунё Ҳиндистонни АКТ-саноатининг етакчи мамлакати деб эътироф этса-да, биз улардан яхшироқ технологиялар ярата оламиз. Бизга фақат халқаро тажриба етишмайди, холос. "Mirzo Ulugbek Innovation Center" томонидан биз резидентларнинг ушбу кўргазмага юборилишимиз хорижда ишлар қандай йўлга қўйилганини кўриш ва улардан ҳам яхшироқ ишланмалар қилишимиз учун жуда фойдали тажриба бўлди.

INDIASOFT 2018 делегациямиз аъзоларига ҳамкорлик ва халқаро алоқалар ўрнатиш имконини берди. Кўргазма доирасида ўзбек ва ҳинд компаниялари ўртасида ўндан ортиқ меморандумлар имзоланди.


"Ўзбектелеком" АК: Ўзбекистонда телефон рақамлари 2018 йил мобайнида тўққиз хонали тизимга ўтказилади.

# 2018 ЙИЛ 5 — 11 ФЕВРАЛ КУНЛАРИ УЧУН

## ПАЙШАНБА — 8 ФЕВРАЛ

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00 Новости
07.05 Телеканал "Доброе утро"
07.40 "Пусть говорят"
08.45 "Контрольная закупка"
09.10 "Жить здорово!"
10.05 "Модный приговор"
11.00 Новости
11.15 "Время покажет"
14.00 Новости
14.30 "Давай поженимся!"
15.15 "Мужское / Женское"
16.05 "Время покажет"
17.00 Вечерние новости
17.40 "На самом деле"
18.55 "Пусть говорят"
20.00 "Время"
20.30 Т/с "Чужая дочь"
22.15 "Вечерний Ургант"
22.45 Х/ф "Любопытная Варвара 2"
00.20 "Время покажет"
01.15 "Модный приговор"
02.00 Новости
02.05 "Модный приговор". Продолжение
02.15 "Давай поженимся!"

**РОССИЯ 1**

02.20 "Светская жизнь"
03.55 "Любой ценой"
05.35 "Мы. Верим в любовь"
07.25 "Жестокие игры"
09.00 "Криминальное чтиво"
11.30 "Чем заняться мертвецу в Денвере"
13.20 "Звездный десант"
15.20 "Факультет"
17.00 "Самый быстрый Индиан"
19.00 "Морис Ришар. Ракета"
21.00 "Мальчик в полосатой пижаме"
22.30 "Семь жизней"
00.25 "Лучшая жизнь"

**НТВ**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.30, 15.30, 19.05, 21.00 Новости
09.05, 13.35, 15.35, 19.10, 21.10, 23.55, 02.25 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Д/ц "Жестокий спорт".
11.30, 02.55 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. Трансляция из Кореи
14.00 С/р "Сочи-2014. Другая жизнь".
14.30 Д/ф "Под знаком Сириуса".
16.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. США - Канала. Прямая трансляция из Кореи
18.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Прыжки с трамплина. Мужчины. Квалификация. Трансляция из Кореи
19.40, 07.20 "Десятка!"
20.00 Все на хоккей! Олимпийский дневник
20.30 С/р "Кирилл Капризов. Масштаб звезды".
21.55 Мини-футбол. Чемпионат Европы. 1/2 финала. Прямая трансляция из Словении
00.25 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Валенсия" (Испания) - ЦСКА (Россия). Прямая трансляция

**МАТЧ!**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00, 16.30 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Невский"
21.35 Т/с "Инспектор Купер. Невидимый враг"
23.40 "Итоги дня"
00.10 Т/с "Свидетели"
01.05 "Место встречи"
03.05 "НашПотребНадзор"
04.05 Т/с "Час Волкова"

**КИНОХИТ**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Идеальный враг"
23.50 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
02.25 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**ТВ3**

06.00, 05.45 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Касл"
20.30, 21.15, 22.00 Т/с "Кости"
23.00 "Секретные материалы - 2018"
00.00 Х/ф "Охотники на гангстеров"
02.00, 03.00, 04.00, 04.45 Т/с "Дежурный ангел"

## ЖУМА — 9 ФЕВРАЛ

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро"
07.00 Новости
07.05 Телеканал "Доброе утро"
07.40 "Пусть говорят"
08.45 "Контрольная закупка"
09.10 "Жить здорово!"
10.05 "Модный приговор"
11.00 Новости
11.15 "Время покажет"
14.00 Новости
14.30 "Давай поженимся!"
15.15 "Мужское / Женское"
16.05 "Время покажет"
17.00 Вечерние новости
17.40 "Человек и закон"
19.05 "Поле чудес"
20.00 "Время"
20.30 "Звезды под гипнозом"
22.05 "Вечерний Ургант"
22.55 "Городские пижоны". "Джо Кокер"
00.30 Х/ф "Большая игра"
02.30 Х/ф "Китайский сервизъ"

**РОССИЯ 1**

04.05 "Серена"
06.00 "Лекарь. ученик Авиценны"
08.30 "Холодная гора"
10.55 "Вожделение"
13.25 "Дежавю"
15.25 "Дикие штучки"
17.05 "13-й воин"
18.45 "Королевский роман"
21.00 "От заката до рассвета"
22.40 "Погребённый заживо"
00.10 "Последнее изгнание дьявола"
01.35 "Женщины на грани нервного срыва"

**НТВ**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 11.30, 15.25, 19.20, 22.25, 00.55 Новости
09.05, 11.35, 15.30, 18.00, 22.30, 01.00 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
09.30 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. Швейцария - Норвегия. Прямая трансляция из Кореи
13.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. Трансляция из Кореи
16.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Церемония открытия. Прямая трансляция из Кореи
19.00 "Десятка!"
19.25 Д/ц "Тренеры. Live".
19.55 Футбол. Товарищеский матч. "Локомотив" (Россия) - "Стрёмсгодсет" (Норвегия). Прямая трансляция из Испании
21.55 Все на футбол! Афиша
22.55 Баскетбол. Евролига. Мужчины. "Жальгирис" (Литва) - "Химки" (Россия). Прямая трансляция
02.05, 07.00 XXIII зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
04.30 Д/ц "Вся правда про ...".
05.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. Канада - Швейцария. Прямая трансляция из Кореи

**МАТЧ!**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня"
07.00 "Деловое утро НТВ"
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 "Обзор. Чрезвычайное происшествие"
14.00 "Место встречи"
16.30 "ЧП. Расследование"
17.00, 19.40 Т/с "Невский"
23.30 "Захар Прилепин. Уроки русского"
00.00 "Мы и наука. Наука и мы"
01.00 "Место встречи"
02.55 Д/ф "Эффект домино. Февральская революция в судьбе России"
04.05 Т/с "Час Волкова"

**КИНОХИТ**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.55 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Идеальный враг"
00.50 Х/ф "Деревенщина"

**ТВ3**

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.00 "Дневник экстрасенса с Фатимой Хадуевой. Молодой ученик"
19.00 "Человек-невидимка. Ольга Машная"
20.00 Х/ф "Эрагон"
22.00 Х/ф "Вавилон нашей эры"
00.00 Х/ф "Прогулки с динозаврами"
01.45 "Секретные материалы - 2018"
02.45 Х/ф "Советник"
05.00 Х/ф "Тайные знаки"

## ШАНБА — 10 ФЕВРАЛ

**1**

05.00 Новости
05.40 Х/ф "Капитанская дочка"
07.20 "Играй, гармонь любимая!"
08.00 "Умницы и умники"
08.45 "Слово пастыря"
09.00 Новости
09.15 К юбилею любимого артиста. "О чём молчал Вячеслав Тихонов"
10.15 "Смак"
10.45 "Смешарики. Спорт"
11.00 Новости
11.15 "Идеальный ремонт"
12.00 Т/с "Виолетта из Атамановки"
15.20 Х/ф "Дело было в Пенькове"
17.00 Вечерние новости
17.10 "Угадай мелодию"
17.40 "Кто хочет стать миллионером?" с Дмитрием Дибровым
19.00 "Сегодня вечером"
20.00 "Время"
20.20 "Сегодня вечером"
21.45 Детектив "Девушка в поезде"
23.35 Х/ф "Перевозчик"
01.05 Х/ф "8 первых свиданий"
02.35 Х/ф "Небо со мной"

**РОССИЯ 1**

03.15 "Лекарь. ученик Авиценны"
06.15 "Гуманитарные науки"
07.45 "Чем заняться мертвецу в Денвере"
09.35 "Морис Ришар. Ракета"
11.35 "Факультет"
13.15 "Холодная гора"
15.45 "Мальчик в полосатой пижаме"
17.15 "Самый быстрый Индиан"
19.15 "Короли Догтауна"
21.00 "Дикие штучки"
22.40 "Любой ценой"
00.25 "Звездный десант"

**НТВ**

08.30 Футбол. Чемпионат Италии. "Фиорентина" - "Ювентус"
10.30, 13.20, 16.35, 19.35, 00.25, 02.45 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 Все на футбол! Афиша
11.30 С/р "Кирилл Капризов. Масштаб звезды".
12.00, 13.15, 16.25, 19.30, 21.20, 02.40 Новости
12.10 Все на хоккей! Олимпийский дневник
12.45 "Автоинспекция"
13.55 Футбол. Товарищеский матч. "Зенит" (Россия) - "Марибор" (Словения). Прямая трансляция из Турции
15.55 С/р "Кевин Де Брёйне. Новая суперзвезда АПЛ".
17.05 XXIII Зимние Олимпийские игры. Хоккей. Женщины. Швейцария - Корея. Прямая трансляция из Кореи
20.05, 03.15 XXIII зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
21.25 Журнал Английской Премьер-лиги
21.55 С/р "Александр Зинченко. от ЛФЛ до АПЛ".
22.25 Футбол. Чемпионат Англии. "Манчестер Сити" - "Лестер". Прямая трансляция
00.40 Футбол. Чемпионат Испании. "Реал" (Мадрид) - "Реал Сосьедад". Прямая трансляция
05.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. Прямая трансляция из Кореи
07.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Кёрлинг. Смешанные пары. Норвегия - США. Трансляция из Кореи
08.00 Смешанные единоборства. UFC. Люк Рокхолд против Йоэля Ромеро. Марк Хант против Кёртиса Блейдса. Прямая трансляция из Австралии

**МАТЧ!**

05.00 "ЧП. Расследование"
05.35 "Звезды сошлись"
07.25 "Смотр"
08.00, 10.00, 16.00 "Сегодня"
08.20 "Их нравы"
08.40 "Готовим "
09.15 "Кто в доме хозяин?"
10.20 "Главная дорога"
11.00 "Еда живая и мёртвая"
12.00 "Квартирный вопрос"
13.05, 03.25 "Поедем, поедим!"
14.00 "Жди меня"
15.05 "Своя игра"
16.20 "Однажды..."
17.00 "Секрет на миллион"
19.00 "Центральное телевидение"
20.00 "Ты супер!" 6+
22.35 "Ты не поверишь! 10 лет в эфире"
23.30 "Международная пилорама"
00.30 "Квартирник НТВ у Маргулиса"
01.40 Х/ф "Параграф 78"
03.55 Т/с "Час Волкова"

**КИНОХИТ**

04.40 Т/с "Срочно в номер! На службе закона"
06.35 М/ф "Маша и Медведь"
07.10 "Живые истории"
08.00, 11.20 Вести. Местное время.
08.20 Россия. Местное время.
09.20 "Сто к одному"
10.10 "Пятеро на одного"
11.00 Вести.
11.40 "Измайловский парк"
14.05 XXIII Зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Биатлон. Женщины 7,5 км. Спринт. Санный спорт. Мужчины. 1 и 2 заезд.
16.10 Х/ф "Гостья из прошлого"
18.00 "Привет, Андрей!"
20.00 Вести в субботу.
21.00 Х/ф "Мать за сына"
01.00 Х/ф "Уйти, чтобы остаться"
03.00 Т/с "Личное дело"

**ТВ3**

06.00, 05.45 Мультфильм
11.00, 02.30 Х/ф "Мой домашний динозавр"
13.15 Х/ф "Прогулки с динозаврами"
15.00 Х/ф "Эрагон"
17.00 Х/ф "Вавилон нашей эры"
19.00 Х/ф "Библиотекарь"
21.00 Х/ф "Библиотекарь 2. Возвращение в копи Царя Соломона"
22.45 Х/ф "Идеальный незнакомец"
00.45 Х/ф "Погнали"
04.45 "Тайные знаки"

## ЯКШАНБА — 11 ФЕВРАЛ

**1**

05.00 Новости
05.40 Х/ф "Старшая сестра"
07.35 "Часовой"
08.05 "Здоровье"
09.00 Новости
09.10 "Непутёвые заметки"
09.25 "В гости по утрам" с Марией Шукшиной
10.15 "Дорогая переДача"
10.45 "Смешарики. ПИН-код"
11.00 Новости
11.10 "Теория заговора"
11.55 Т/с "Слава"
15.10 Х/ф "Старики-разбойники"
16.40 "Я могу!" Шоу уникальных способностей
18.25 сезона. "Звезды под гипнозом"
20.00 Воскресное "Время"
21.30 "Что? Где? Когда?". Дети XXI века
22.30 Х/ф "Полиция Майами: Отдел нравов"
00.40 Комедия "Успеть до полуночи"

**РОССИЯ 1**

02.25 "Токио!"
04.20 "Пандорум"
06.00 "Мы. Верим в любовь"
07.50 "Лучшая жизнь"
09.25 "Вожделение"
11.55 "Шпион, выйди вон!"
13.55 "Последнее изгнание дьявола"
15.15 "Погребённый заживо"
16.50 "Королевский роман"
19.00 "Семь жизней"
21.00 "От заката до рассвета"
22.40 "13-й воин"
00.20 "Серена"

**НТВ**

08.30 Смешанные единоборства. UFC. Люк Рокхолд против Йоэля Ромеро. Марк Хант против Кёртиса Блейдса. Прямая трансляция из Австралии
10.30, 15.30, 19.10, 01.00 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00, 04.15 "Звёзды футбола"
11.30 Футбол. Чемпионат Италии. Наполи - Лацио
13.30, 15.25, 19.00, 22.30, 00.55 Новости
13.40, 16.00, 22.35, 01.35 XXIII зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
20.10 Футбол. Чемпионат Испании. "Барселона" - "Хетафе". Прямая трансляция
22.10 С/р "Месси. Как стать великим".
00.15 С/р "Дневник Олимпиады".
03.45 Д/ц "Вся правда про ...".
04.45 Теннис. Кубок Федерации. Словакия - Россия.

**МАТЧ!**

04.55, 01.00 Х/ф "Паспорт"
07.00 "Центральное телевидение"
08.00, 10.00, 16.00 "Сегодня"
08.20 "Их нравы"
08.40 "Устами младенца"
09.25 "Едим дома"
10.20 "Первая передача"
11.00 "Чудо техники"
11.55 "Дачный ответ"
13.00 "НашПотребНадзор"
14.00 "У нас выигрывают!"
15.05 "Своя игра"
16.20 "Следствие вели..."
18.00 "Новые русские сенсации"
19.00 "Итоги недели"
20.10 "Ты не поверишь!"
21.10 "Звезды сошлись"
23.00 Х/ф "Чемпионы. Быстрее. Выше. Сильнее" 6+
03.00 "Таинственная Россия"
04.00 Т/с "Час Волкова"

**КИНОХИТ**

04.00 XXIII Зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Фигурное катание. Командные соревнования. танцы короткая программа, женщины короткая программа, пары произвольная программа.
08.35 Местное время. Вести-Москва. Неделя в городе.
09.15 XXIII Зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Лыжные гонки. Мужчины 15 км + 15 км. Скиатлон
11.10 Вести.
11.30 "Смеяться разрешается"
14.00 XXIII Зимние Олимпийские игры в Пхёнчхане. Санный спорт. Мужчины 3 и 4 заезд. Фигурное катание. Командные соревнования.
16.35 Х/ф "Держи меня за руку"
20.00 Вести недели.
22.00 "Воскресный вечер с Владимиром Соловьёвым"
00.30 "Действующие лица с Наилей Аскер-заде"
01.25 Х/ф "Любовь и Роман"
03.20 "Смехопанорама Евгения Петросяна"

**ТВ3**

06.00 Мультфильм
10.30, 11.15, 12.00, 12.45, 13.30, 14.30 Т/с "Гримм"
15.15 Х/ф "Библиотекарь"
17.15 Х/ф "Библиотекарь 2. Возвращение в копи Царя Соломона"
19.00 Х/ф "Библиотекарь 3. Проклятие чаши Иуды"
20.45 Х/ф "Гудзонский ястреб"
22.45 Х/ф "Челюсти"
00.30 Х/ф "Идеальный незнакомец"
02.30 Х/ф "Погнали"
04.15, 05.15 "Тайные знаки"

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

# “ЭНГ ШИРИН СУВ” қайга йўқолди?



*— Валикжон. Бизда, Дилижонда ошхонада кранни очиб, сувини бемалол ичаверсан. Ширинлиги бўйича дунёда иккинчи ўринда туради.*

*— Биринчи ўринда ҳойнаҳой Ереванди-да.*

*— Йўқ, Сан-Франциско ...*

*— Боржом-чи? Аввал ўйла, кейин гапир.*

**“Мимино” филмидан**

Яқинда Сан-Францискодаги 29та уйда ҳаво таркибини таҳлил қилган Калифорния университети олимлари қизиқ янгиликни очишди. Эмишки, биз уйда нафас оладиган ҳавога энг кўп бактериялар кўпчилик ўйлаганидек ҳожатхона орқали эмас, балки водопровод суви билан бирга келар экан.

Ошхоналар, ваннахоналар, кранлар, кафел юзалари, унитазлар, гиламлар, ҳатто шу уйларда яшовчиларнинг сочлари ва териси ҳам назоратдан ўтказилди. Якуний хулоса шу бўлди: ҳавода учиб юрган бактерияларнинг асосий ўчоғи – пол ва гиламлар (қарийб 20 фоиз). Иккинчи ўринда – очиқ ойнадан кириб келган кўча ҳавоси (16,5 фоиз).

**Бу дунёдаги “суви энг ширин шаҳар” Сан-Франциско... Энди ўзингиз хулоса чиқараверинг.**

**Ажабланарлиси, унитазга сув оқизилганда ҳавога кўтариладиган бактериялар миқдори кутилганидан анча кам чиқди – уйдаги микробларнинг атиги 0,4 фоизи. Чой дамлаб, овқат пишириладиган, юз-қўллар ювиладиган водопровод сувида эса хонадондаги бактерияларнинг деярли 9 фоизи яширинган.**



## ҚЎЛНИ ЮВИШ КЕРАК

Ҳамма касалликларнинг боши нотозалик. Болалар тугул баъзида ҳатто катталарнинг ҳам шу оддий ҳақиқатни унутишаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳатто энг “тоза” туюлган нарсалар ҳам микробларнинг кони (инфографикага қаранг). Қўлни мунтазам совунлаб ювишни одатга айлантириш керак. Ўзимиз доимий ишлатадиган нарса-буюмларни эса вақти-вақти билан дезинфекциялаб турсак фойдадан холи бўлмайди.

**ИНФОГРАФИКА**

**Дастурхон бошида телевизор пулти қўлимиздан тушмайди, смартфон эса болаларда...**




Манбалар: NY Daily News, Daily Mail, BBC, The Telegraph, Isizmile.com, Здоровье Mail.Ru

**ЭВРИКА**

### ИСРОИЛНИНГ СИРИ

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларига қадар фақат етти мамлакат бу ишни бажара олган. 80-йилларнинг охирларида Исроил бу рўйхатга саккизинчи бўлиб қўшилди. Энг қизиғи, у бу ишни олдингилар сингари эмас, балки бутунлай тескарисига амалга оширди.

**Қани топинг-чи, Исроил 80-йилларнинг охирларида нимани қай тариқа амалга оширган?**

**(Жавоби келгуси сонда.)**

**КРОССВОРД**

**ЭНИГА:** **10.** Тўқ кўк бўёқ тури. **11.** Миллий чолғу. **12.** Духоба. **13.** Мис, рух, қалайи қотишмаси. **14.** Рассомнинг ўзини ўзи тасвирлаши. **15.** Олимп маъбуди. **18.** Кино мукофоти. **19.** Қора тут. **20.** Африкадаги шаршара. **22.** Кичкина қозон. **24.** “Дўст” испан тилида. **25.** Калтакесак. **26.** Тропик заҳарли дарахт. **27.** Тикувчи қуроли. **28.** Кўр-кўрона ақида. **30.** Мўғул найи. **37.** Инглиз ўлчов бирлиги – 0,91 метр. **38.** Мексикадаги шаҳар. **39.** Қалъа, истеҳком. **42.** Ўрмаловчи балиқ. **43.** Уммон. **44.** Дурадгор қуроли.

**БЎЙИГА:** **1.** Статистик кўрсаткич. **2.** ...-адир. **3.** Швед автомобили. **4.** Хотира. **5.** Табиат ҳодисаси. **6.** Миллий ҳунармандчилик намунаси. **7.** Норвег драматурги. **8.** Балиқ шўрва. **9.** Америка буғуси. **16.** Сув ости кабели орқали йўлланган телеграмма. **17.** Рақс санъати. **21.** Само, фалак. **23.** Ошхона буюми. **29.** Алпинистлар сўқмоғи. **31.** Ерга ишлов беришда қўлланиладиган техника. **32.** Оливер ... . **33.** Ақл. **34.** Россиядаги кўл. **35.** Икки ва ундан кўп елканли кема. **36.** 0,71 метрга тенг узунлик ўлчови. **40.** Дзюдочи белбоғи. **41.** Номаълум сон.



**Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби**

***БУЗУҚ СОАТ***

*Тўғри жавоб – 18:30.*

*Соат ҳар соатда тўрт дақиқа ортда қолмоқда, шунинг учун у 15:52ни кўрсатганда ҳақиқий вақт 17:00 бўлади.*

*Бутунлай тўхтаб қолгунча соат 68 (4 x 17) дақиқа ортда қолган.*

*Тўхтаб қолиш бир ярим соат олдин юз берди, демак, ҳозир роппа-роса 18:30.*

# Ўзбекистонда Big Data: КЕЛАЖАК НАТИЖАЛАРИДАН ХАБАРДОР БЎЛАМИЗ




Салмоқли маълумотлар аслида илмий-тадқиқотга алоқадор соҳаларда аввалдан ҳам мавжуд бўлган бўлса-да, лекин сўнгги йиллардагина ушбу феномен кўпроқ тилга олинадиган бўлди. Бунга сабаб бугунги кунда янги технологиялар, қурилмалар ва алоқа воситаларининг тезкор ривожланиши, ижтимоий тармоқларнинг кенг миқёсда ёйилиши таъсирида инсоният томонидан ишлаб чиқилаётган маълумотлар миқдори кескин тарзда ортиб боришидир.

Ҳозирги кунда инсоният томонидан маълумот ҳар 10 дақиқада яратилмоқда. Бу турдаги катта ҳажмли маълумотлар билан ишлашда янгидан-янги алгоритм ва технологиялар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётда кенг қўлланиляпти. Атрофимиздаги миллиардлаб тўпланиб қолган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш орқали маълум ҳолат ёки объект тўғрисида тарихий, жорий ва келажак вақт учун муҳим бўлган билимларга эга бўлишимиз мумкин. Бунинг учун дастлаб ушбу маълумотлар манбаини аниқлаш муҳим амаллардан бири ҳисобланади.

Салмоқли маълумот тушунчаси катта ўлчамдаги ишларни бажара оладиган операторларга нисбатан ишлатилади. Мисол учун, Facebook компанияси соатига 10 миллиондан ортиқ янги расмлар жойлаши билан фахрланиши мумкин. Google компаниясининг 800 миллион нафар Youtube хизмати фойдаланувчилари ойига ҳар сонияда бир соатдан кўп видеолар жойлаштиради. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда салмоқли маълумот вазифаси ўта муҳим аҳамиятга эга.

Катта миқдордаги маълумотларни таҳлил қилиш инсон ҳис этиш имкониятидан ташқарида бўлган қонуниятларни аниқлашда ёрдам беради. Бу эса кундалик ҳаётимиздаги барча соҳалар — ҳукуматни бошқариш, тиббиёт, телекоммуникация, молия, транспорт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларни янада яхшилаш, уларнинг имкониятларини ошириш, муаммоларга муқобил ечимлар излаб топиш имконини яратади. Бугунги кунда салмоқли маълумотларни молиявий ташкилотлар ҳам кенг қўллай бошлаши натижасида маълумотлар таҳлилининг рақобатбардошлигини ошириш ва самарадорликни кучайтириш каби муҳим масалалар ўз ечимини топмоқда.

Салмоқли маълумотлардан фойдаланиш ахборот мутахассиси учун қўшимча вазифалар ва талаблар яратишдан ташқари, янги маълумотларни топиш (Data mining) ва маълумот бўйича мутахассис (Data scientist) каби касбларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

***Таҳлилчилар маълумотлар муҳим ҳаётий фаолликка айланади, хавфсизлик эса энг асосий пойдевор бўлади, деб ҳисоблашмоқда. Шунингдек, улар технологиялар иқтисодий ландшафтни ўзгартиришига, оддий фойдаланувчи эса тармоқ қурилмалари билан кунига 4800 марта мулоқот қилишига ишонишади.***

Data mining (маълумотларни топиш) — бирон қонуниятни топиш мақсадида маълумотларни таҳлил қилишга айтилади.

Data science тушунчасига маълумотлар омборини лойиҳалаш ва рақамланган маълумотларни қайта ишлашнинг барча методлари киради. Data science салмоқли маълумотнинг бизнес нуқтаи назаридан ҳозирги замонавий ўриндоши ҳисобланади.

Бугунги кунда электрон ҳукумат тизими бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда кенг ривожланаётган тизим ҳисобланади. Бу тизим фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат ҳокимияти органларига аввалдан шаклланган давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кўзда тутади.

Мамлакатимизда интерактив давлат хизматларини жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларининг веб-сайтлари ва Ҳукумат портали орқали тақдим этиш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш кенг йўлга қўйилган. Ҳозирги кунга қадар электрон ҳукумат тизимининг бир қанча лойиҳалари самарали амалга оширилди.

Юқорида таъкидлаганидек, ҳукуматни бошқаришда салмоқли маълумотлар кенг имкониятлар очиб беради. Электрон ҳукуматда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган Big Data, Data mining ва Artificial intelligence каби замонавий технологияларга асосланган сифатни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини яратиш сифат даражаси ўсишини амалга ошириб, бир қанча муаммоларни ечишга имкон беради.

Айни дамда марказимиз "Электрон ҳукумат" тизимининг ахборот-ресурсларини ривожлантириш департаментида айнан салмоқли маълумотлар билан ишлаш, унга бутун ташкилотларни жалб қилиш режалари ишлаб чиқилмоқда. Салмоқли маълумотларни қайта ишлаш натижасида муқобил ечим излаш, яъни Business intelligence (бизнес-интеллект) орқали келажакда келиб чиқадиган натижалардан ҳам хабардор бўлишимиз мумкин.

**Пўлатжон ҚУРБОНОВ,**
**"Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази "Электрон ҳукумат" тизимининг ахборот-ресурсларини ривожлантириш департаменти бошлиғи в.б.**

### Маълумот ўрнида:

***■ IBS маълумотига кўра, 2003 йили дунёда 5 эксабайт (1 ЭБ = 1 млрд. гигабайт) маълумот тўпланган. 2008 йилга келиб бу ҳажм 0,18 зеттабайт (1 ЗБ = 1024 эксабайт)-га, 2011 йили – 1,76 зеттабайтгача, 2013 йили эса 4,4 зеттабайтгача ўсган. 2015 йилнинг майида маълумотларнинг глобал миқдори 6,5 зеттабайтга кўтарилган. Тахминларга кўра, 2020 йилга бориб, инсоният 40-44 зеттабайт ахборот ишлаб чиқади. The Data Agенинг IDC компанияси таҳлилчилари томонидан тайёрланган ҳисоботида айтилишича эса 2025 йилгача бу миқдор 10 баравар ўсади.***

***■ Салмоқли маълумот учун Meta Group компанияси 2001 йилдаёқ ишлаб чиққан "Уч V" анъанавий хусусиятлар аҳамиятлидир:***

***1. Volume – маълумотлар ҳажмининг катталиги.***

***2. Velocity – маълумотлар ўсиш тезлиги ва натижага эришиш учун уларни тез қайта ишлаш.***

***3. Variety – турли маълумотларни бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш имконияти.***

# Қани машинам, кетдик!

Big Data ечимларидан фойдаланган ҳолда келажакни қуришга аҳд қилган инсон ҳақида эшитганмисиз? Бу Элон Маск ва унинг Tesla компанияси. Унинг асосий мақсади — автоном автомобил яратиш, яъни сиз машина рулига ўтирасиз, Тошкентдан Самарқандга автопилотини ёқасиз ва... бемалол ухлайверасиз, негаки автомобилни бошқаришингиз умуман шарт эмас — барчасини унинг ўзи бажаради. Фантастика, тўғрими? Албатта, йўқ! Элон шунчаки бу ишга автомобилни ўнлаб йўлдошли антенналар ёрдамида бошқариш устида ишлаётган Googlега нисбатан донолик билан ёндашди холос. Бир сўз билан айтганда, бошқачароқ йўлдан борди — Big Data усулидан фойдаланди:

*1. Ҳар бир сотиладиган автомобилга барча маълумотларни йиғадиган компютер ўрнатилади. Барча маълумолар: ҳайдовчи, унинг бошқариш услуби, атрофдаги йўллар, бошқа автомобиллар ҳаракати ҳақида. Бундай маълумотлар ҳажми соатига 20-30 Гбни ташкил қилади;*

*2. Сўнгра бу ахборотлар йўлдошли алоқа орқали маълумотларни қайта ишловчи марказий компютерга юборилади;*

*3. Компютер қайта ишлаган Big Data маълумотлари асосида ҳайдовчисиз автомобил модели ясалади.*

Айтиш жоизки, Googleнинг бу борадаги ишлари унча муваффақиятли чиқмаёган ва автомобиллари аварияга учраётган бўлса, Элон Маскда Big Data билан олиб бораётган ишлар ҳисобига анча ютуқлар кўзга ташланиб қолди. Унинг тест қилинган моделлари бирмунча натижаларни кўрсатмоқда.

**У.ЙЎЛДОШЕВ**


1 февралдан нотариус хизматлари учун мобил телефон орқали пул тўлаш жорий этилди.

## ҚУВВАТ МАНБАИ



### Эски литий батареяларга "иккинчи ҳаёт" бағишланади

Калифорния университетининг нанотехнологиялар бўйича гуруҳи етакчиси, профессор Чжэн Ченнинг айтишича, унинг гуруҳи эскирган литий-ионли батареяларни қайта ҳаётга қайтариш йўлини топган.

"Келгусида чиқиндихоналарга ташлаб юбориладиган миллионлаб тонна Li-ion батареялар ҳақида ҳозирдан ўйлашимиз керак, айниқса, электромобиллар оммалашиши билан бу жиддий муаммога айланади, буёқда литий ва кобалт каби қазилма бойликларнинг таги кўриниб қолмоқда, қолаверса, уларни қазиб олишдан сув ва ер заҳарланяпти. Агар биз батареяларни қайта ишлашни йўлга қўя олсак муқаррар экологик ҳалокатнинг олдини олиш имкониятига эга бўламиз", — деб ёзади профессор.

Улар Green Chemistry журналида чоп эттирган мақолада ёзилишича, аввалига ишлатиб бўлинган катоддан зарралар ажратиб олинади, сўнг қайнатилади ва таркибида литий тузи бор қайноқ ишқорда ишлов берилади. Яъни, материал худди аввалги ишлов йўли орқали ўтказилиб қайта тикланади.

## ФОТОТЕХНИКА

### Hasselblad камераси 400 мегапикселли фото олади

Hasselblad компанияси тақдим этган ўрта формат камераси — H6D-400c MSга фаол соҳаси 53,4х40 миллиметрни қамраб олувчи 100 мегапикселли CMOS-датчик ўрнатилган.

Камеранинг энг асосий жиҳати ўта юқори сифатли фотосурат олишидир. Агар датчигини суриб олинган олтита сурат бирлаштирилса 400 мегапикселни ташкил этади: бу оғирлиги 2,4 гигабайтли ўлчами 23200х17400 пикселга тенг фотосурат деганидир. Маълумот учун: стандарт форматдаги иккита кинофилм ҳам 2,4 ГБ чиқмайди.

Март ойида сотувга чиқариладиган H6D-400c MSнинг тавсия этилган нархи — 40 минг евро.

## ҚОНУНЧИЛИК

### Европа Иттифоқи Qualcommга миллиард долларлик жарима белгилади




Шундоқ ҳам Apple компанияси ҳамда АҚШ савдо бўйича федерал комиссияси билан судлашиб чарчаган, Broadcom компанияси таркибига қўшилиб кетиш хавфи остидаги компанияга энди Европа Иттифоқи зарба берди.

ЕИнинг рақобат бўйича комиссари Маргрет Вестагер эълон қилган ҳукмда асосий буюртмачисини сотиб олиш орқали рақобатни бостиргани учун Qualcomm 1,23 млрд. доллар (997 млн. евро) жаримага тортилди.

Суд жараёнида Qualcomm компанияси ўз чипларидан эксклюзив фойдаланиши учун Apple компаниясига махфий тўловни амалга оширгани аниқланди. Оқибатда 2011-2016 йиллар давомида бошқа чипмейкерлар сердаромад Apple компанияси билан ҳамкорлик қилиш имкониятидан маҳрум бўлган.

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ

### Mezzo трояни — ҳисобчилар душмани

"Касперский лабораторияси" янги таҳдид — Mezzo троянини фош қилди. У бухгалтерлик ва банк тизимлари ўртасида алмашиладиган файллар реквизитларини ўзгартириб қўяди. Айни пайтда бу дастур ўзи зарарлаган компютердаги маълумотларни хакерларга жўнатаётгани фош этилган. Бу ҳолатдан келиб чиққан мутахассислар ушбу троян муаллифлари янги ҳужумлар тараддудида деган фикр билдиришяпти.

Ҳозирча Mezzo трояни жабрланувчилари саноқли ва улар асосан Россияда кузатилган.

## ЭЛЕКТРОН КИТОБЛАР

### Apple иккинчи ҳамлага ҳозирланяпти

Компаниянинг бу бозордаги етакчи — Amazon қаршилигини синдиришга уриниши беш йиллик антимонопол жараёнлар билан чигаллашиб кетди ва 2016 йили у 450 млн. доллар тўлаб қутулди. Энди ўзига келиб олгач, компания қайта ҳамлага тайёрланмоқда.

Bloomberg хабар беришича, Apple смартфонлар ва планшетлар учун мўлжалланган iBooks иловасини янада такомиллаштириш билан банд: интерфейси янада соддалаштирилади, Reading Now ҳамда аудиокитоблар учун бўлимлари очилади. Бундан ташқари, электрон китоблар дўкони қиёфаси ўзгаради, у кўпроқ ўтган йили янгиланган App Store дизайнини эслатади.

AuthorEarnings компанияси маълумот беришича, АҚШ электрон китоблар бозорида Amazon танҳо пешқадам (ўтган йил бошида бозорнинг 83 фоизи). Appleнинг улуши эса 11дан 9 фоизга камайган.



**С.ТЕМИРОВ** тайёрлади

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

### Энди "энг хавфли мамлакатлар" муҳожирлари ҳам АҚШга кириши мумкин

Вудро Вилсон номидаги Халқаро марказда нутқ сўзлаган АҚШ Ички хавфсизлик вазири Кирстен Нилсен мамлакат ҳудудига кирмоқчи бўлган 11та давлат фуқаросига қўйиладиган талаблар кучайтирганлигини ва шу аснода уларга кириш учун белгиланган таъқиқ бекор қилинганини айтди. "Биз юқори таҳдид солувчи мамлакатлар фуқароларига нисбатан янги хавфсизлик чораларини қўллаймиз. Ушбу ўзгаришлар орқали ўзимизни ҳимоя қилишимиз билан бир қаторда, муҳожирларга юртларидаги таъқибдан қутулишига имкон берамиз", деб қўшимча қилди у.

АҚШ оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган "энг хавфли мамлакатлар рўйхати"га кирувчи Миср, Эрон, Ироқ, Яман, Шимолий Корея, Ливия, Мали, Сурия, Сомали, Судан ва Жанубий Судан фуқаролари мамлакатга кириш учун қўшимча текширувлардан ўтказилади, дейилади хабарда.

### Саудияда ҳибсдаги барча шаҳзодалар озод қилинди

Саудия Арабистонида коррупцияда айбланиб ҳибсга олинган барча шаҳзода ва тадбиркорлар озод этилган. Уларнинг барчаси Ritz Carlton меҳмонхонасида ҳибсда эди. Меҳмонхонани охирги бўлиб таниқли тадбиркор шаҳзода Валид ибн Талол тарк этган.



Озодликка чиқишидан бир неча соат аввал шаҳзода ҳадемай озод этилсам керак деган мазмунда интервю беришга ҳам улгурган эди. "Ҳеч қандай айблов йўқ. Шунчаки, ҳукумат билан айрим масалаларни муҳокама қиляпмиз, – деди 62 ёшли миллиардер-сармоячи. – Яқин кунларда барча муаммоларни ҳал этишимизга аминман". Шаҳзода ҳукумат билан музокараларда ўзининг коррупцияга алоқаси йўқлигини таъкидлаб, шу позицияни маҳкам ушлаб турганини айтган. Ибн Талол ўзининг халқаро сармоя ширкати устидан тўлиқ назоратни сақлаб қолишни ва унинг активларини давлатга бермасликни истаяпти.

### Қозоғистонда Микки Мауссиз Диснейленд қурилади

Қозоғистон ҳукумати Диснейлендга ўхшаш миллий йўналишдаги улкан дам олиш маскани барпо этиш ниятини билдирди. Мамлакат Бош вазирининг интернет сайтида ёзилишича, мазкур лойиҳа хорижий сармоядорлар кўмагида Олмаота вилоятида амалга оширилиши мўлжалланган. Kazakh Tourism миллий компанияси раҳбари Рашид Кузембаев сўзларига кўра, бу борада катта тажрибага эга хитойлик мутахассислар билан музокаралар қилинган. Мазкур маскан қурилишида Атилла, Чингизхон, Амир Темур, Султон Байбарс каби тарихий шахслар ва қозоқ миллатининг кўчманчи маданиятига урғу берилади.



### Сочи конгресси: Сурия демократик давлат бўлиши лозим

Сочида бўлиб ўтган Сурия миллий мулоқоти конгрессида барча иштирокчилар Сурия демократик давлат бўлиши лозимлигини, террорчиликка ва динлараро адоватга қарши курашишга содиқликларини айтиб ўтишди. Бу ҳақда конгресснинг баёнотида маълум қилинган. "Сурия Араб Республикаси/Сурия давлати диний, миллий ва гендер мансубликдан қатъи назар, сиёсий турфа хиллик ва тенгҳуқуқлик, қонун устуворлигини тўлиқ ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш тамойилларига асосланган демократик давлат бўлиши лозим", дейилган баёнотда.

Шунингдек, хабарда айтилишича, Сурияда кучли, бирлашган, ҳурматга лойиқ, ўз вазифаларини конституция ва юқори стандартларга биноан бажара оладиган миллий армия бўлиши лозим. "Армиянинг вазифалари миллий чегаралар ва халқни ташқи таҳдидлар ва террорчиликдан ҳимоя қилишдир, махсус хизматлар ва хавфсизлик хизматлари миллий хавфсизликни қонун устуворлиги тамойилига мос ҳолда қўллаб-қувватлашлари, конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилишлари ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари лозим. Куч ишлатиш фақатгина мутасадди давлат институтларининг ҳуқуқи бўлиши керак", дейилган баёнотда.

**У.ТОЖИБОЕВ** тайёрлади

# ҚИРҚ ЁШЛИЛАР ОМОН БЎЛСА, симли алоқа яшайверади

*Кўпчилик ўйлаганидек, симли телефон фақат пенсионерлар ишлатадиган алоқа воситаси эмас. Симли алоқадан фойдаланиш ҳозирги 40-50 ёшлиларнинг қон-қонида бор. Қачон уларнинг ўрнига "қўлида айфон билан туғилган" авлод келмагунча, симли алоқага талаб сақланиб қолаверади*

Рақамли технологияларнинг шиддати-ю қамрови ҳеч бир ўлчовга сиғмайди бугун, ҳаммаёқда рақамлаштириш: телевидение, фотография, телекоммуникациялар, ... Хуллас, фақат рақамлар. Энди муддаога ўтсак: ётганида ҳам, турганида ҳам кўпчиликнинг қўлидан телефон тушмайдиган бугунги замонда симли телефонларнинг қанча умри қолди? Наҳотки, аналог технологияларга қўшилиб энди симли алоқа ҳам йўқолиб кетса.



Яқинда рус журналисти Евгений Лобанов Нижний Тагил шаҳридаги бузилишга тушган АТСдан тайёрлаган фоторепортажини интернетга жойлади. Бир пайтлар биз билан бир хил стандартлар, бир хил техника ва технологияларни ишлатган Россия телекоммуникация технологияларида авлодлар алмашинуви қандай кечаётгани ҳақида яхши репортаж.

Девордаги тумблер шақ этади-ю ҳаммаси тамом. Рангли чироқлар ўчади, агрегатларнинг ғувиллаши ва чиқиллаши тинади. Олти юз квадрат метрли улкан залга сукунат чўкади. Нижний Тагилдаги аналог станция – 25-АТС тўхтатилди. Тез орада бу ерга ишчилар етиб келишади: ГДР, Чехословакия, собиқ иттифоқнинг ўзида ишлаб чиқарилган турли қурилмаларни утилизацияга бўлаклашади.

25-АТС СССР қуёши сўниб бораётган бир пайтда – 1987 йили фойдаланишга топширилган. Ўз даврида Нижний Тагилдаги аналог станция анчайин катта ва юқори технологияли АТСлардан бири бўлган. Шаҳар марказида жойлашган, демак, барча давлат хизматларидан тортиб тез ёрдамгача шу ердан таъминланган.

Қачонлардир муайян қурилмага хизмат қилувчи техниклар кўп эди. Алоҳида одам электрон регистрларга жавоб берар, унга реледаги стативларга қаровчи регулировкачи кўмаклашарди. Фақат шаҳарлараро чиқувчи рақамни автоматик аниқловчи қурилманинг ўзига битта муҳандис бириктириларди. Ва яна турли вазифаларни бажарувчи ўн бешталаб одамлар. Уларнинг ҳаммаси Нижний Тагилдаги 8000 абонентни алоқа билан таъминлаган.

Бироқ вақт чархпалаги беаёв айланмоқда. Симли телефонларга уланиш учун навбат кутишдан тоқати тоқ бўлган одамлар янги кириб келган интернет ва уяли телефонларга юз буришди. Замонавий автоматлашган қурилмалар эса кўплаб АТС ходимларини ишсиз қолдирди. 25-АТСда охирги йилларда бор-йўғи 5 киши ишларди, бу пайтга келиб улар 40 000 абонетга хизмат кўрсатарди. Аналог АТСлар функциясини янада замонавий тизимлар уддалаяпти, уларнинг ишини олдингидек ўнлаб одамлар эмас, балки биргина навбатчи мониторда кузатмоқда. Ва яна бир муҳандис.

Ана энди савол: булар керакми? XXI асрда яшаяпмиз ахир, ҳар бир чўнтакда смартфон, ҳар бир хонадонда мессенжер ва ижтимоий тармоқларга тўлиб-тошган ноутбук ва компютерлар – хоҳласанг гаплаш, хоҳласанг ёзиш, истасанг бирваракайига кўплаб шериклар билан видеоалоқага чиқ. Шундай экан, телефон симига ўралашиб юриш шартми? Бироқ "Ростелеком"дагиларнинг ишонч билдиришларича, ҳали-вери симли овозли алоқанинг "жони узилмайди".

Бу аввало давлатга керак, ишончли, ерга кўмилган кабеллар фавқулодда ҳолатларда жуда асқотади. Ўтган ёз Нижний Тагилга довул ёпирилди ва бошқа кулайликлар қатори шаҳарни деярли алоқасиз ҳам қолдирди. Мобил операторларнинг база станциялари ишламай қолди, "ҳаводан олувчи" аксарият провайдерларнинг интернети узилди. Узоқ йиллар аввал ерга кўмилган мис симларга эса... бало ҳам урмади.

Симли телефоннинг барҳаётлиги учун яна бир сабаб бор. Алоқачилар сўнгги пайтларда бу алоқа воситасидан фойдаланувчилар сони 40 фоизга камайганини айтишди. Бироқ, бу шуни англатадики, 60 фоиз абонентлар ҳамон симли алоқадан фойдаланишяпти. Кўпчилик ўйлаганидек, симли телефон фақат пенсионерлар ишлатадиган алоқа воситаси эмас. 355 минг киши яшовчи Нижний Тагилда 40 минг телефон абоненти бор. Собиқ 25-АТС ходимларининг айтишларича, симли телефонга талаб камаймаслиги инсон психологияси билан ҳам боғлиқ. Симли алоқадан фойдаланиш ҳозирги 40-50 ёшлиларнинг қон-қонида бор. Қачон уларнинг ўрнига "қўлида айфон билан туғилган" авлод келмагунча, симли алоқага талаб сақланиб қолаверади.



*Станциянинг сигнал-чақирув қурилмаси. Телефон трубкасидаги характерли товушни шулар чиқарган.*



*Керакли боғламани топиш учун станция ходимлари "шпаргалка"лардан фойдаланишган.*



*Энди буларнинг ҳаммаси қайта ишлашга кетади.*



***"Ростелеком" Россия кенг полосали маълумотлар узатиш ва пулли телевидение хизматлари бозори етакчиси саналади. Компаниянинг тезкор интернет хизматларига 12,6 млн., телевидение хизматларига 9,5 млн.дан ортиқ абонент уланган.***

***IP-телефония анъанавий симли алоқа ўрнини тобора кенг эгаллаб боряпти. Бугунги кунда Россияда 150дан зиёд оператор бу хизматни кўрсатмоқда.***

***IP-телефония – Россия телекоммуникация бозорининг энг жадал ривожланаётган йўналишларидан бири. Охирги олти йилда бу соҳада ўсиш йилига ўртача 30 фоизни ташкил этди.***

**С.АҲАДОВ тайёрлади**

# “НАВОИЙНИ ЎРГАТИНГ МЕНГА”

**Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ — Навоий давлат педагогика институти профессори, филология фанлари доктори:**

*Бутун дунё аҳли Навоийга таъзим қилади, уни ёд этади*

— Султон Ҳусайн Бойқаронинг равон ва тиниқ ғазаллар битгани, уларни тўплаб девон тузгани, замондоши ва қадрдон дўсти Алишер Навоийга бағишлаб махсус рисола яратгани тарихий манбалардан бизга маълум. Бутун шеърият устунининг ер юзидаги қаҳрамони Навоий бўлиб, уни бу мамлакатларни забт этишда жаҳонгир деса бўлади, дея таърифлайди Ҳусайн Бойқаро ўзининг қуйидаги мисраларида:

**Эрур сўз мулкининг кишваристони,**

**Қаю кишваристон хисрав нишони.**

**Дема хисравнишонким, қаҳрамони,**

**Эрур гар чин десанг соҳибқирони.**

Дарҳақиқат, шоирларнинг султони Алишер Навоий Темурийлар салтанатининг давомчиси бўлган улуғ ҳукмдор Ҳусайн Бойқаро томонидан шеъриятнинг соҳибқирони дея бекорга таърифланмади. Мана, салкам олти асрким унинг назмий саройидан миллионлаб кўнгиллар баҳраманд. Олти асрким, унинг сатрлари кишини ҳайратга солади, комилликка етаклайди. Ҳар йили қишнинг рутубатли дамлари билан баҳорнинг соғинчли лаҳзалари маконида шоирнинг ёниқ нафасини юракдан ҳис этамиз. Бутун дунё аҳли Навоийга таъзим қилади, уни ёд этади. Унинг янги ғояларини кашф этамиз. Чунки қаҳрамон шоиримиз Эркин Воҳидов таъбири билан айтганда, “Навоийни ўргатинг менга” дея, Навоий асарларининг очилмаган қирраларини кашф этаётган навоийшунос олимлар кўпаймоқда. Инглизлар Шекспир, руслар Пушкин даҳоси билан мақтанса, биз Навоий даҳоси бебаҳолиги билан фахрланиб, дунё ҳавасига сазовор бўляпмиз.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Навоий ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан Абдулла Қодирий номидаги ахборот-кутубхона марказида ўтказилган навоийхонлик тадбирида вилоятдаги алоқа ва ахборотлаштириш тизими ходимлари ҳамда навоийшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Навоийхонлик тадбирини ҳудудий бошқарма бошлиғи Ф.Тешаев шоирнинг ҳар бир асари инсонни юксакликка чорлаётгани ҳақида гапираркан: “Алишер Навоийнинг қаҳрамонлари қўл етмас юксакликда тасвирланишини шоир давридан олдинлаб кетган ижодкор эканлиги билан изоҳлаш мумкин”, дея эътироф этди. Тадбирда Навоий давлат педагогика институти “Ўзбек адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси Зариф Қувонов, вилоят АКМ директори ўринбосари Шамсия Бақоевалар Алишер Навоийнинг асарларидан қувват олиб, маънавий озуқа олиб яшаш бахт эканлигини эътироф этдилар.

Навоий маданият ва санъат коллежи бадиий жамоасининг Навоий ғазалларидан тузган гулдастаси ҳам тадбир иштирокчиларига манзур бўлди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**“Xabar”нинг Навоий вилоятидаги мухбири**



# ТУМОРДАГИ СУРАТ

(Ҳикоя)

О.ГЕНРИ

Шанба оқшоми Энди Донован олтинчи мавзедаги уйига келиб, янги қўшниси — ёшгина Конвей хоним билан танишди. У одмигина қизғиш кўйлак кийиб олганди.

Икки ҳафта ўтиб, Энди йўлда тамаки тутатиб кетаркан, орқасида шип-шип товуш эшитилди. Ўгирилиб қаради-ю, кўзини узолмай қолди: Конвей хоним! Кўйлаги ҳам, шляпаси ҳам қоп-қора. У қадамини секинлатиб, қорамтир қўлқопини кийди. Сочлари силлиқ таралиб турмакланган, чиройли юзларидан нур ёғиларди.

— Файзли оқшом, Конвей хоним, — деди йигит.

— Жуда-жуда файзли, жаноб Донован, — деди Конвей хоним хўрсиниб.

— Мен унинг сизга қариндошлигига ишонмайман. Жудолик бўлганига ҳам, — деди Донован.

— Ўлим ҳақ, — деди Конвей хоним каловланиб.

— Тўғри, қариндошимиз эмас-у, аммо... Биласизми, мен сизни дардимга шерик қилмоқчи эмасман, жаноб Донован.

— Нимага, Конвей хоним?! Лекин, кечирасиз-у, ҳеч ким сизга менчалик ҳамдард бўлолмайди. Рухсат этсангиз, боғ сайрига таклиф қилсам.

— Раҳмат, жаноб Донован. Илтифотингизни қабул қиламан, агар ҳамроҳингизнинг қалби ғам-ҳасратга лиммо-лимлигини ҳис қилсангиз, албатта.

Улар истироҳат боғининг очиқ дарвозаси томон йўл олишди. Хилватроқдаги скамейкага келиб ўтиришди.

— У менинг севганим эди,— деди Конвей хоним нафас ростлаб. — Биз келгуси баҳор тўй қилиб, турмуш қурмоқчи эдик. Граф эди. Мол-давлати боис Италия билан боғланганди. Унинг исми-шарифи граф Фернандо Маззини. Дадам Италияга қочиб кетишимизга қаршилик қилди. Шунга қарамай, келгуси баҳор тўй қилишимизга розилик берди. Фернандо тўй тадоригида Италияга кетганди... Уч кун олдин келган мактубда айтилишича, Фернандо ҳаво шарида бахтсиз тасодифга учраб ҳалок бўлибди... Суратини туморимда асраб юрибман. Уни ҳеч кимга кўрсатмаганман, лекин сизга кўрсатаман, чунки сизнинг самимий дўстлигингизга ишонаман.

Конвей хоним туморини очиб, суратни кўрсатди. Энди қизиқиб унга узоқ термулди.

— Буни у Италияга кетаётганида, кечаси тақдим этганди.

— Конвей хоним, кейинги якшанба Конейда бўладиган кечага мени таклиф этсангиз жуда хурсанд бўлардим...

Бир ойдан сўнг улар унаштирилишди, бундан қўни-қўшниларни огоҳ этдилар. Бироқ, Конвей хоним мотам тутишда давом этди.

Кунларнинг бирида кечқурун иккови яна шаҳар боғининг ўша хилват жойида бирга ўтириб қолишди. Жаноб Донован кун бўйи мавҳум қайғу оғушида эди.

— Сизга нима бўлди, Энди, бугун жуда хафа кўринасиз?

— Ҳеч нарса, Магги.

— Мен сизни ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмаганман. Гаровлашиб айтаманки, сиз бошқа қиз ҳақида ўйлаяпсиз. Уни севаркансиз, нега ёнига бормайсиз?

— Кейин айтаман, — деди Энди. — Лекин сиз мени тушунмайсиз. Айтинг-чи, Майк Салливан деган одам ҳақида эшитганмисиз? Ҳамма уни Катта Майк Салливан деб чақиради.

— Йўқ, эшитмаганман,— деди Магги хотиржам. — Агар у сизни шу ҳолга солган бўлса, эшитишни хоҳламайман ҳам.

— Катта Майк — менинг дўстим. Уни бугун кўрдим ва икки ҳафта ичида уйланишимни айтдим. “Энди, — деди у, — менга таклифнома юбор, тўйингга албатта келаман”. У айтганининг устидан чиқадиган йигит. Лекин, Магги, Катта Майкнинг тўйимизда қатнашганидан кўра, бир қўлимни кесиб ташлаганим афзал. Шу боис бу оқшом кайфиятим носоз. Унинг тўйга келмагани маъқул. Буни сиз сўраманг, мен айтмай.

— О, — деди Магги, — бу, менимча, сиёсатга боғлиқ масала бўлса керак?

— Магги, — деди Энди унинг кўзларига қараб, — сиз уни... граф Маззинини ўйлаганчалик мени ўйлайсизми?

У анча вақт кутди, бироқ жавоб бўлмади. Тўсатдан қиз унинг елкасига бош қўйиб йиғлай бошлади.

— Энди, — дея шивирлади Магги,— мен сизни алдагандим. Сиз менга ҳеч қачон уйланмайсиз, севмайсиз ҳам. Лекин мен сизга дардимни айтсам, Энди, граф деган гап йўқ. Ҳаётимда ҳеч қачон севган йигитим бўлмаган. Ҳамма қизларнинг йигити бор эди. Қизлар йигитлари ҳақида гаплашишарди ва менга улар янада кўпроқ севадигандек туюларди. Ниҳоят, Энди, бир сураткашдан шу расмни сотиб олдим, туморимга солдим ва граф ҳақидаги, унинг ўлими ҳақидаги ҳикоямни тўқидим. Ва ниҳоят, бева каби қора кийдим. Ҳеч ким ёлғончини севмайди, сиз мени ташлаб кетасиз.

У Эндининг қўлини қўйиб юбориш ўрнига маҳкамроқ ушлади ва ноз ила жилмайиб қўйди.

— Наҳот айриламиз, Энди?

— Мана, — деди Энди, — бор гапни айтдингиз, Магги.

— Энди, — деди Магги эркаланиб, — граф ҳақидаги ҳикоянинг ҳаммасига ишондингизми?

— Йўғ-э, унчалик эмас, — деди Энди сигарет қутисига қўлини чўзиб. — Тумор ичидаги сурат — Катта Майк Салливаннинг сурати-ку, ахир!

**Ўроқ РАВШАНОВ**
**таржимаси**



Янги ўқув йилидан учта олий ўқув юртида сиртқи таълим очилади.

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ:
## унга риоя қилишни унутмайлик!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳар томонлама жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Кутубхонамиз фондидаги китобларни, ноёб қўлёзма нашрларни кўз қорачиғидек асрашимизда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳам ҳиссаси катта.

Улар кутубхонада ишловчилар билан нафақат ҳар "Ёнғин хавфсизлиги ойликлари"да, балки бошқа кунларда ҳам суҳбатлар олиб боришади, ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан сабоқлар беришади. Уларнинг бевосита ёрдами билан кутубхона биносининг ҳар бир қаватида ёнғин хавфсизлиги бурчаги ташкил этилган. Кутубхонамизда кўнгилли ёнғин хавфсизлиги гуруҳи тузилган.

Кутубхонамизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳар чоракда тушунтириш-тарғибот йиғилиши бўлиб ўтади. Ўт ўчирувчилар ёнғин пайтида одамлар ўзларини қандай тутиши кераклиги, ёнғин ўчириш асбобларидан фойдаланиш, биринчи навбатда қўриладиган чоралар тўғрисида гапириб беришади, видеороликлар намойиш этилади. Суҳбат давомида барчани носоз ва қўлбола ускуналардан фойдаланмасликка, иш куни сўнгида электр токи узатгичларидан узилмай қолган техника воситаларига алоҳида эътибор бериб, кейин хонани тарк этиш каби қоидаларга риоя этишга чақиришади. Албатта, бу қоидаларни нафақат ишда, балки уйда ҳам унутмасликка даъват этишади.

> **“ Қоидаларни нафақат ишда, балки уйда ҳам унутмаслик керак ”**

**Зайнаб ТЎТИЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходими**

# ЧИН ИНСОН ЭДИ



Январ ойининг сўнгги кунидаги совуқ хабар юрагимизни титратди. "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутация маркази" филиали бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси, корхона фахрийларига ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Дилшод Усмонов оламдан ўтибди.

Дилшод ака 42 йиллик меҳнат фаолияти давомида тажрибали ҳуқуқшунос сифатида ҳам ўзини кўрсатди. У ҳаммага бирдай меҳрибон ва жонкуяр инсон эди. Ҳузурига бирор юмуш билан келган ҳамкасбларига қўлидан келганича ёрдам кўрсатар, зиммасидаги вазифани тўлақонли бажарарди. Қонунчиликда бўлаётган ўзгаришларни ўрганиб борар, дарҳол амалда қўллашга интилар эди.

Дилшод ака "Xabar" газетаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган, корхонадан уюштириладиган мақолаларни тайёрлашимизда беминнат кўмакчимиз эди.

У киши оғир хасталикни бошидан кечирган бўлса-да, жонажон корхонасидаги ишини давом эттириб, ҳамкасбларини қўллаб-қувватлаш, фахрийларни йўқлаш каби эзгуликларга бош-қош бўлди. Дилшод аканинг орзулари мўл, ниятлари юксак эди. У кишидан кўплаб эзгу ишлар, қобил, тарбияли фарзанд ва набиралар қолди.

Дилшод Усмоновни ҳамиша самимий ва дилкаш инсон сифатида хотирлаймиз.

**ТАҲРИРИЯТ**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутация маркази" филиали бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси

**Дилшод УСМОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

## ЭЪЛОН!

### "Навоий мулк маркази" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

АТ "Халқ банки" Навоий шаҳар филиалининг 2018 йил 25 январдаги 09/86-сонли буюртма хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси "Очиқ аукцион" савдоларига чиқарилмоқда:

2004 йилда и/ч, д/р 85/062 LAA бўлган "Damas" русумли авторанспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 648 326 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 5 март куни соат 11.00да савдо ташкилотчисининг савдолар залида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2018 йил 5 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2018 йилнинг 14 ва 29 март кунлари соат 11.00да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Навоий мулк маркази" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 7049 4316 4001, МФО: 00205, СТИР: 302132768.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 223-23-25. Мўлжал: "Навоий мулк маркази" МЧЖ, Навоий шаҳри, И.Каримов кўчаси, 98-уй рўпарасидаги бино.

**Гувоҳнома: 578**

O'zbekiston Davlat Yosh Tomoshabinlar Teatri

**Дўстлик клуби**

**ЎЗЕКИСТОН ДАВЛАТ ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ НАМОЙИШ ЭТАДИ :**



- **"Оппоғой"**
  *4 феврал, соат 12.00.*
  *Ака-ука Гримм эртаклари асосида*
- **"Оловуддиннинг сеҳрли чироғи"**
  *5 феврал, соат 12.30, 6 феврал соат 14.00, 11 феврал соат 12.00.*
  *Араб халқ эртаги асосида*
- **"Залолат"**
  *9 феврал, соат 13.30.*
  *Ш.Ризаев, А.Йўлдошевлар асари асосида*



**Унутиб қўймадингизми?**
**Ҳурматли муштарийлар, қадрли алоқачилар! "Xabar"га**
**обуна давом этмоқда**
**Газетага "Ўзбекистон почтаси" АЖ алоқа бўлимлари, "Матбуот тарқатувчи" АК матбуот дўконларида обуна бўлишингиз мумкин!**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиалнинг техник қўллаб-қувватлаш ва янги техникани тестдан ўтказиш хизмати бошлиғи Одил БОБОМУРОДОВни 60 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, соҳа ривожи йўлидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

# ТАТУ талабалари

## ўзбек тилидаги компютер ўйинини яратишди

"Great way" видео ўйини ҳақидаги илк маълумотлар Facebook ижтимоий тармоғида пайдо бўлган эди. Унда ўйинни яратиш жараёнидан лавҳалар, суратлар тақдим қилиниб, фойдаланувчилардан бу борада фикр сўралган эди.

ТАТУнинг 4-босқич талабалари — дастурчи Элбек Сатторов, моделлаштирувчи ва дизайнер Жамшид Эшназаров, моделлаштирувчи Адиз Амонов, техник маслаҳатчи Миркамол Миробидовлар ушбу компютер ўйинини биргаликда тайёрлашди.



**Ўйин ҳақида**

***"Great way" ("Буюк йўл") — буюк тарихимиз ва бугунги кунимизни бирлаштириб турувчи йўл. Бу йўлда халқимиз турли синовларни бошидан ўтказган. Мард, жасур ва доно ота-боболаримиз бу қийинчиликларни сабр-қаноат билан енгиб ўтишган. Биз бу тарихни ҳеч қачон унутмаймиз ва буюк аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўламиз. Мазкур ўйин халқимиз ўтмишининг бир бўлагини жонлантириш мақсадида бир гуруҳ ўзбек ёшлари томонидан ишлаб чиқилди.***

Ушбу компютер ўйини ва унинг муаллифлари жамоасининг келгуси режалари ҳақида Жамшид Эшназаров билан суҳбатлашдик.

**— Бу ўйинни яратишга нима туртки бўлди?**

— Ўйинни яратиш ғояси анча олдин пайдо бўлган эди. Биз бу ўйинни яратиш орқали юртимизнинг тарихий қиёфасини озгина бўлса-да, очиб бермоқчи бўлдик.

**— Бундай ўйинлар бизда аввал ҳам яратилганми?**

— Ўйлашимча, аввал бунақа даражада кенг саҳна ва юқори сифатли видеоўйин яратилмаган. Ўйинни кўчириб олиш учун махсус "greatway.uz" номли веб-саҳифа ҳам ишга туширдик. Бу ердан уни юклаб олиш ва ўйнаб кўриш имкони бўлади.

**— У ўзбек тилидами?**

— Ўйин ҳозирча демо вариантда ва ўзбекча, агар лойиҳа давом этадиган бўлса, ўйинни уч тилда яратмоқчимиз.

**— Демак, ўйинни ўйнаш мумкин?**

— Ҳозирча ўйинни демонстратив вариантда тақдим этдик, бемалол ўйнаш мумкин, фақат бунда сценарий йўқ, биз ўйин имкониятларини очиб бердик, холос. Ўйиннинг тугалланиши учун кўп ресурс керак, катта жамоа, кўплаб техник қурилмалар ва вақт лозим.

**— Келгуси режалар қандай?**

— Айни дамда ҳомий қидириш билан бандмиз. Ҳомий топилса, юртимизда компютер ўйинлари бозорини ривожлантириш ниятимиз бор.

*P.S. "Great way" ўйини RPG жанридаги биринчи ўзбек тилидаги компютер ўйини бўлди. ТАТУ талабаларидан иборат кичик жамоа шундай катта қадам ташлади. Улардан келажакда кўплаб миллий компютер ўйинларини кутиб қоламиз.*

**Нодира ИБРОҲИМОВА**







# Замон илдамлаб бормоқда

## Биз унинг ортидан кузатиб қолаверамизми?

Кундан-кунга такомиллашиб бораётган маиший техникалар, энг сўнгги русумдаги автомобиллар, ахборот-коммуникация технологиялари...

Шундай тезкор замонда яшаяпмизки, бугун мутлақо ўзига хос янги қурилма тақдим қилинса, эртага ўрнини бошқаси — янада қулайроғи эгаллаб турибди.

Технологиялар, телекоммуникациялар замон билан ҳамнафас ўзгариб, янгиланиб бораётган экан, биз-чи, биз бу ўзгаришларни қандай қабул қиляпмиз? Улардан қандай фойдаланяпмиз?

Ҳар бир ота-она фарзандининг келажагини ўйлайди. Ўзи эриша олмаган натижаларга улар эришишини истайди. Бунинг учун ёшларда имконият ҳам кўпроқ. Уларга бу борада нафақат ота-она ёки таълим муассасалари, ахборот технологиялари ва интернет ҳам кўмаклашиши мумкин.

Аммо биз фарзандларимизнинг қулай шароитдан унумли ва тўғри фойдаланишини таъминлай оляпмизми?

Аслида болаларимизнинг зеҳни ўткир, қўлига тушган қурилмани тез ўзлаштира олади. Ҳозир деярли ҳар бирининг қўлида смартфон. Бу восита ёрдамида бола ер шарининг исталган нуқтаси билан боғланиши, исталган қизиқарли маълумотни топиши, тил ўрганиши, билим олиши ёки аксинча, онгини заҳарловчи ахборотлар чангалига тушиб қолиши ҳам мумкин.

Афсуски, ота-оналар шу биргина салбий жиҳатни деб фарзандларини технологиялардан, интернетдан совитишга уринишади, хавфли деб қўрқитишади. Аслида уларни билимлар уммонидан, порлоқ келажагидан мосуво қилаётганини ўйлаб ҳам кўришмайди.

Бугун ахборот технологиялари соҳасини мукаммал эгалламай туриб, келажакда ҳеч бир касбнинг устаси бўлиш мумкин эмас. Фарзандларимиз эртага ўз йўлини топиб кетиши учун ҳам бугун технологияларни билиши, шунчаки эмас, мукаммалроқ ўрганишлари керак.

Бола смартфон орқалими ёки компютер ёрдамида бўладими, интернетдан унумли фойдалансин, фақат унда ахборотларни таҳлил қилиш, тўғри ва нотўғри маълумотларни фарқлай олиш кўникмасини шакллантириш лозим.

Ахир замон илдамлаб бормоқда. Шунга яраша ҳаракат қилмасак қатордан қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

**Анвар ТУРАПОВ,**
**Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш марказининг интернет-маданият бўлими бош мутахассиси**

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шерзод ШЕРМАТОВ (Ҳайъат раиси), Иброҳим ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ҚОДИРОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
100105, Тошкент, Толлимаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

*Обуна индекси — 228.*

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Аслиддин БЎРИЕВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-243 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 9125 нусха.

**ISSN 2010-6424**
Босишга топширилди — 21.30.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | (0365)600-87-21 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 291-43-28 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |

1 2 3 4 5 6